Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 1 декабрь 1974 йил, якшанба № 281 (16.061). ◆ Баҳоси 2 тийин.

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

МУСОБАҚА ВА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ

Социалистик мусобақанинг мўъжизакор қудратли кучи миллионларни янги зафарларга руҳлантирмоқда. Бу мусобақа ҳамиша, ҳар қандай конкрет шароитда коммунизм қурилиши ишида оммани нинг актив иштирок этиши янги самарали формаларини вужудга келтиради. Тўқкизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари муваффақиятли бажариш учун қизғин давом этаётган социалистик мусобақанинг ўзига хос хусусияти унинг фан-техника тараққиёти билан узвий боғлиқлигидир.

Бу қонуний бир ҳол бўлиб, фан-техника тараққиёти меҳнат унумдорлигини оширишнинг бош омилидир. Меҳнат унумдорлигининг ортиши ҳисобигагина маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини, миллий даромадни кўпайтириш мумкин. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев экономикани бошқаришнинг интенсив методларига амал қилиш ҳақида гапириб, таъкидлаганидек, навбатдаги вазифалар нуқтаи назаридан ҳам, узоқ муддатли перспективалар нуқтаи назаридан ҳам фан-техника тараққиётини тезлаштириш биринчи ўринга қўйилади.

Корхоналар, қурилишлар ва транспорт тармоқлари ишчилари ҳамда мутахассисларининг техникани тараққий эттириш учун олиб борайтган кураши самарали натижалар бермоқда. Бухоро ип газлама комбинати қурилишини тезлаштиришда инженерларнинг ташаббус кўрсатиб ишлаганлигини тасдиқловчи бир мисолни келтириб ўтиш ўринли. Корхонани барвақт ишга туширишмасаласи ўртага қўйилганда, бу ерда меҳнат қилаётган қурилиш ташкилотлари коллективлари бинокорлик ишларини такомиллаштиришга бел боғладилар. Шундай ахду-паймон туфайли саноат бинолари том ёпилмаларини йиғиш ва уларни яхлит блоклар ҳолида монтажлашнинг ҳар жиҳатдан қулай конвейер усули вужудга келди. Бу усулни яратган ва бинокорлик ишлаб чиқаришига жорий этган инженерлардан уч киши — М. Г. Фадеев, Н. Ражабов ва Ш. Гадоев ўртоқлар яқинда СССР Давлат мукофоти лауреати бўлдилар.

Беш йиллигимизнинг бош вазифаларидан бири қўл меҳнатини машина-механизмлар зиммасига юклашдан иборат. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи Кенгаш тавсиясига биноан, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика касаба союзлари Совети билан биргаликда саноат корхоналарида жамоат кўригини ўтказмоқда. Республика кўриги «Қўл меҳнати — механизмлар зиммасига юклансин» деган шиор остида қизғин давом этмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу соҳада муайян ютуқларга эришилди. Жойлардаги рационализатор ва ихтирочилар оғир ишлар ҳамда қўл меҳнатини енгиллаштиришга қаратилган 10 мингдан ортиқ таклиф бердилар. Етти мингга яқин шундай таклифлар жорий қилинди. Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги корхоналарида қўл меҳнатини енгиллаштиришга бағишланган 660 тадбирнинг амалга оширилиши 350 минг сўмдан кўпроқ маблағни тежаш ва 340 ишчини бошқа участкаларга ўтказиш имконини берди. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида эса ёғоч материалларни туширишбутунлай механизациялаштирилди.

Бундай техникавий тадбирларни амалга оширишда партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари катта ташкилотчилик ишларини бажардилар. Лекин эришилган марралар КПСС XXIV съезди қўйган талаблар нуқтаи назаридан таҳлил қилинса, техникани тараққий эттириш учун ҳали кўп ишлар қилиниши лозимлигини пайқаб олиш қийин эмас. Шундай илмий муассасалар борки, улар ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаш масалалари билан жуда суст шуғулланмоқдалар. Баъзилари эса ҳар жиҳатдан мукаммал машина-ускуналар ва технологияни жорий қилишга керагича эътибор бермаяптилар. Кўпгина иш жараёнлари ҳалигача тўла механизациялаштирилмаган. Кончиликда, қурилиш майдонларида, юк туширишишларида ҳам механизациялаштирилиши лозим бўлган жараёнлар оз эмас. Бундай ишларда қўлланилаётган техника воситаларининг бир қисми маънавий жиҳатдан эскириб қолган, ҳозирги замон талабларига жавоб бермаяпти, айримлари чидамсиз, кўп ишлатилмасдан сафдан чиқиб қолмоқда.

Техниканинг ўзи масалани ҳал қилолмайди. Техника бўлса-ю, ундан фойдаланувчиларнинг малакаси ва масъулияти талабга жавоб бермаса, машинанинг умри зое ўтади. Шунинг учун техника тараққиёти ишчиларнинг ва мутахассисларнинг малакасини оширишни ҳам тақозо этади. Фан-техника тараққиёти революцияси замонида инсоннинг ишлаб чиқаришдаги роли беқиёс юксалиб боряпти. Шу сабабли янги техникани ўзлаштириш ва технологияни жорий этиш тажрибаларини амалда кенгроқ ёйиш лозим. Чунки бугунги эгалланган марра эртага норма бўлиб қолиши, бугун бир киши қилган янги ишни эртага барча эгаллаб олиши мумкин. Социалистик мусобақанинг фан-техника тараққиётини ривожлантиришдаги асосий принципларидан бири ҳам шу.

Фан-техника тараққиёти коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари ўзаро ҳамкорликда жойларда техника тараққиётининг аҳволи билан астойдил қизиқишлари, бу соҳадаги ютуқ ва камчиликларни вақтида чуқур таҳлил қилиб боришлари лозим. Минглаб кишиларнинг техника ижодини такомиллаштиришга, юзага келган янгиликларга кенг йўл очиб беришга зарур шарт-шароит яратиб бериш лозим. Шундагина коммунизм қурилиши вазифаларини ҳал қилишда фан-техника тараққиётининг амалий натижалари кўпайиб бораверади.

Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли комбинатнинг моҳир ишчиси Ҳолида Абдураманова келгуси йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Моҳир аппаратчи комбинатнинг 13-цехида энг илғор ишчилардан ҳисобланади. Суратда: Ҳ. Абдураманова.

В. Тюргашкин фотоси.

Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг деҳқонлари ерларни шудгорлаб қўйишни поёнига етказиш арафасида туришибди. Шу билан бир қаторда далаларни ўғитлаш ишларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Суратда: колхоз далаларида шудгорлаш пайти.

Ж. Тўраев фотоси.

САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 57 йиллиги муносабати билан партия, совет ва жамоат ташкилотларидан, корхона, қурилиш, колхоз, совхоз ва муассасаларнинг коллективларидан, мамлакатимиз меҳнаткашлари, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти жангчиларидан жуда кўп телеграмма ва хатлар олди. Бу телеграмма ва хатларда КПСС ва Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсати тўла-тўкис маъқулланаётганлиги изҳор этилади. КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга оширишда меҳнатда шонли муваффақиятларга эришилаётганлиги тўғрисида, социалистик мажбуриятлр ва муқобил планлар бажарилаётганлиги ҳақида гапирилади. Табрик телеграммалари ва хатлар совет кишиларининг бутун фикри-зикри партия XXIV съезди қарорларини рўёбга чиқариш, тўқкизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш ва бу билан социалистик Ватанимиз қудратини янада мустаҳкамлашни таъминлаш иштиёқи билан суғорилганлигидан яққол далолат бериб турибди.

Чет мамлакатлар коммунистик ва миллий-демократик партияларидан, ҳукуматлар, давлат ва сиёсий арбоблар, прогрессив жамоат ташкилотлари ва айрим гражданлардан табрик телеграммалари ва хатлар олинди.

Чет эллик дўстлар ўз табрикномаларида совет халқи коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида эришган муваффақиятлардан ғоят мамнун эканликларини изҳор этадилар, СССРнинг ленинча ташқи сиёсатини юксак қадрлайдилар. Бу табрикномаларда КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг, КПСС Марказий Комитети Бош секретари шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасини ҳаётга татбиқ этиш соҳасидаги изчил ва собит қадам фаолияти халқаро муносабатларда баракали ўзгаришлар юз беришига, социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиги принципларини бундан буён ҳам қарор топтиришга, барча тараққийпарвар кучларни тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун, демократия ва социал тараққиёт учун курашга яна ҳам кўпроқ жипслаштиришда ҳал қилувчи даражада ёрдам бераётганлиги таъкидлаб ўтилади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Улуғ Октябрнинг 57 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР ҳукуматига, барча совет халқига самимий қутловлар ва эзгу истаклар билдирганликлари учун партия, совет ва жамоат ташкилотларига, корхона ва муассасаларнинг коллективларига, СССРнинг барча меҳнаткашларига, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчиларига, шунингдек, коммунистик ва миллий-демократик партияларга, ҳукуматларга, давлатларга ва сиёсий арбобларга, жамоат ташкилотларига, чет эллардаги барча дўстларга самимий миннатдорчилик изҳор этадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

НАМАНГАНДА МИТИНГ

НАМАНГАН. 30 ноябрь. (*«Совет Ўзбекистони» мухбири*). Область меҳнаткашлари беш йиллигининг тўртинчи йилида қаҳрамонона меҳнат жасорати намуналарини кўрсатдилар. Бу йилги сув танқислиги ва бошқа табиий офатлар келтириб чиқарган қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтдилар. Наманганликларга бутун республика, мамлакат ёрдам қўлини чўзди.

Область меҳнаткашларига кўплаб минерал ўғит, техника етказиб берилди, янги сув иншоотлари қурилиб ишга туширилди. Буларнинг ҳаммаси деҳқончилик учун мураккаб келган йилда ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш ва пахта тайёрлаш планини анча ошириб бажариш имконини берди. Она-Ватан область меҳнаткашларидан 424 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» кабул қилиб олди. У йиллик планда кўрсатилгандан 36 минг тонна кўп демакдир. Область пахтачилиги тарихида ҳеч қачон бундай юксак хирмон кўтарилмаган эди. Пахтакорлар кўрсатган меҳнат жасорати муносиб тақдирланди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев область меҳнаткашлари эришган юксак ғалабани табриклаб, телеграмма йўллади.

Шу муносабат билан 30 ноябрь куни Наманган шаҳридаги Маданият саройида кўпминг кишилик митинг бўлиб ўтди. Область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Иброҳимов нутқ сўзлади.

Митингда сўзга чиққан Наманган район партия комитетининг биринчи секретари Х. Охунов, Чуст районидаги Навоий номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Лочинов, Уйчи районидаги «Ленинчи йўл» колхозининг бригада бошлиғи К. Дадабоева, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» номли шойи ва костюмбоп газламалар фабрикасининг ишчиси А. Шестернева ва бошқалар пахтакорлар меҳнатига берилган юксак баҳо учун партия ва ҳукуматимизга, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга чин юракдан ташаккур айтиб, бундан буён ҳам Ватанимиз бойлигини ошириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишга сўз бердилар.

Митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга телеграмма йўлладилар.

О. ЖУМАНАЗАРОВ.

ЧОРВА ҚИШЛОВИ — СИНОВ ДАВРИ

ПУХТА ТАРАДДУД

Нурота районидаги Ленин номли совхознинг чорва қишловини намунали ўтказиш юзасидан белгилаган тадбирлари

Совхозимиз чорвадорлари 1974 юбилей йилини яхши кўрсаткичлар билан якунлямоқдалар. 30 минг бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 157 тадан қўзи олдик, ўстиришга 18 мингта қўзи қолдирдик. Айни кезда давлатга 25 минг 200 дона ўрнига 28 минг 200 дона қоракўл тери топширдик.

Бошқа турдаги чорва моллари сонини кўпайтиришда ҳам муайян муваффақиятларга эришдик. Жумладан, қорамоллар сони 1700 бош ўрнига 2302 бошга, шу жумладан, сигирлар сони 460 бошга етказилди. Майда моллар сони 66 минг 800 бошга етказилиб, план 119 процент адо этилди. Йилқилар, паррандалар ҳам кўпайди, маҳсулдорлиги оширилди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақани кучайтириб, давлатга чорвачилик маҳсулотлари етказиб беришда катта ютуқларни қўлга киритдик. Шу кунга қадар давлатга 773 тонна сут, 172 тонна жун, 127 минг дона тухум топшириб, йиллик планларни бажардик, пилла тайёрлашда ҳам ишимиз қувончли бўлди. Ғўзт тайёрлаш топшириғи яқин кунларда бажарилади.

Чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда туёқ сони ҳал қилувчи роль ўйнайди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуназар Умаров, Ленин ордени кавалери Истам Рустамов, Барат Искандаров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Чўли Хўжақулов, илғор бош чўпонлардан Маҳмирза Мамараҳимов, Саид Охунов, Ҳамид Бокулов, Али Жўрақулов, Жуман Қосимов, Гайбулла Файзиев, Раҳмон Файзиевлар отарларида эгиз қўзилар сони 175-215 бошга етказилиб, биринчи марта шундай юқори кўрсаткичга эришилди.

Сут-товар фермаларининг ходимлари фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилдилар. Ленин орденли сигир соғувчи Роҳила Рустамова, область Советининг депутати Ойша Ҳақназарова, Хадича Қўзиева, Хадича Чўлиевалар ўз боқимидаги сигирларнинг ҳар бошидан шу кунга қадар 2900-3100 литрдан сут соғиб олдилар.

Қўлдош Абдуллаев бошқарувчилик қилаётган иккинчи ферма коллективи ҳар 100 бош совлиқдан 173 тадан қўзи олиб, социалистик мусобақада олдинги ўринни эгаллади. Бундай илғор бўлимларимиз кўп.

Қишлов — чорвадорлар учун катта синовдир. Биз қишловга баҳордан бошлаб тараддуд кўра бошладик. Ёз ва куз фаслларида 12 минг 700 тонна озуқа тайёрлаб, қишлов жойларига келтириб қўйдик. Утган йилги қишловдан ортиб қолган 3.900 тонна озуқани кўздан кечириб, майдаладик. Ҳозир 16 минг 600 тонна озуқа бор. Шундан 10 минг тоннаси майдаланган. Хўжалигимизда иккита озуқа тайёрлаш ва битта гранулатор ишлаб турибди. Қишлов даврида ҳамма озуқани чорва молларига фақат майдалаб, қоришма ҳолига келтириб едирамиз.

Мутахассисларимиз тажрибакор чорвадорлар билан ҳамкорликда мавжуд озуқани чорва молларига тақсимлаб чиқишди, ҳар бош қўйга 220 килограммдан, ҳар бош қорамолга 3000 килограммдан озуқа тўғри келди. Ундан ташқари эҳтиёт фонди ҳам ажратдик.

Яна бир қатор тадбирларни амалга оширдик. Жумладан, 87 та қўра, 19 молхона, 7 бузоқхонани капитал ремонтдан чиқариб, қиш шароитига мослаштирдик. 105 та қудуқни тартибга келтириб қўйдик, чўпон-чўлиқларнинг уй-жойлари ремонт қилиниб уларни иссиқ кийимлар, қиш фасли учун етадиган миқдорда озиқ-овқатлар билан таъминладик.

Совхоз маъмурияти ва партия ташкилоти мутахассислар ва тажрибакор чорвадорлардан иборат яна бир комиссия тузиб, ҳамма фермалар ва отарларни текширишдан ўтказди. Қўйларнинг ориқсемизлиги, соғломлиги, иштаҳасига алоҳида эътибор берилди. Қўйқузиларимизнинг асосий қисми яхши семизликда. Ориқ қўй-қузилар ҳам йўқ эмас. Уларни ажратиб олиб алоҳида парвариш қилмоқдамиз, баъзи касалликка чалинган қўй-қузилар даволаняпти.

Қишлов даврида чорвадорларга савдо, медицина, алоқа, маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаймиз. Битта кўчма савдо дўкони, 14 магазин, кўплаб ошхона ва новвойхоналар ва бошқа маданий-маиший корхоналар чорвадорлар хизматида бўлади.

Совхоз партия комитети 234 коммунистни фермалар ва отарларга биркитди. Чорвадорлар орасида 167 агитатор, 15 лектор, 33 сиёсий ахборотчи, 18 сиёсий ташкилотчи, 10 пропагандист қизғин иш олиб боради. Касаба союз ва комсомол ташкилотлари социалистик мусобақани ташкил этишда фаол қатнашади. Мусобақа ғолиблари ҳар ойда 100 сўм пул мукофоти берилади. Ундан ташқари кўчма Қизил байроқ топширилади, район марказида ғолиблар шарафига байроқ кўтарилади. Бўлимларга ҳам пул мукофоти ва вимпел берилади.

Чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлаш учун курашмоқдамиз. Келаси йили 150 гектар янги ер ўзлаштириб, беда экамиз. Шу йилнинг ўзида икки минг гектар майдонга изень экиб, изенъзорларни 7.600 гектарга етказамиз. Яйловлар унумдорлигини кескин оширамиз.

Совхозимиз коллективи 1975 йил учун юксак социалистик мажбурият қабул қилди. 39.663 бош совликдан ҳар қачонгига нисбатан кўпроқ эгиз қўзи оламиз, урғочи қўзиларнинг ҳаммасини ўстиришга қолдирамиз. Қоракўл тери тайёрлаш планини ошириб бажарамиз, камида 86 процент терини биринчи сортга топширамиз. Ҳар бош қўйдан 3,2 килограмм жун қирқамиз. Қўйларнинг тирик вазнини 45 килограммга, қорамолларни 350-400 килограммга етказиб ғўштга топширамиз. Сигирлардан олинадиган сут миқдорини совхозимиз бўйича 2300 литрга етказамиз.

Совхозимиз коллективи бутун куч ва имкониятларни сафарбар этиб, 1974—1975 йиллар чорва қишловини намунали ўтказадилар.

Ҳ. БОБОЕВ,
Нурота районидаги Ленин номли совхоз директори.

Х. ҚОЗОҚОВ,
партия комитети секретари.

А. САМИЕВ,
бош зоотехник.

ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раиси Е. Н. Фок бошчилигида Бирмадан қайтиб келаётган Венгрия Халқ Республикаси ҳукумат делегацияси 30 ноябрда Тошкентдан Будапештга учиб кетди.

Ўртоқ Е. Н. Фокни, унинг рафиқасини, делегация аъзоларини Тошкент аэропортида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Ҳудойбердиев, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева ва Г. А. Габриельянц, министрлар, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзТАГ).

Деҳқон бўлсанг шудгор қил!

Республика областларида 1975 йил ҳосили учун шудгорнинг борини тўғрисида шу йил 30 ноябрга бўлган маълумот

ХОРАЗМ	13,5	135,0
АНДИЖОН	178,0	101,7
Тошкент	211,6	97,1
Жиззах	125,4	86,5
Сирдарё	140,0	85,9
ҚҚ АССР	37,4	66,8
Самарқанд	149,2	64,9
Бухоро	90,4	48,6
Наманган	66,7	48,0
Фарғона	60 4	42,5
Қашқадарё	53,3	32,5
Сурхондарё	30,1	20,2
Республика бўйича:	1156,0	65,0

СОВЕТ ТОЖИКИСТОНИДА БАЙРАМ

ДУШАНБА, 30 ноябрь. (ТАСС махсус мухбири). Совет Тожикистонининг пойтахтидаги кўчалар, майдонлар, хиёбонлар байрам либосида.

Бугун республикадаги шаҳарлар билан қишлоқларнинг вакиллари, Душанбе аҳолиси, кўпдан-кўп меҳмонлар В. И. Ленин майдонига келишди. Бу ерда ҳарбий парад ва меҳнаткашларнинг намойиши бўлиб ўтди. Кенг майдон узра СССР ва Тожикистон ССР давлат байроқлари, барча иттифоқдош республикаларнинг байроқлари қилпираб турибди. Владимир Ильич Ленин ҳайкали пойига беҳисоб гуллар қўйилган.

Минбарларда Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари, республика Олий Советининг депутатлари, революция, граждан уруши ва Улуғ Ватан урушининг ветеранлари бор. Саноат, қишлоқ хўжалигининг энг яхши меҳнатчилари — энергетиклар билан тўқимачилар, пахтакорлар билан деҳқонлар, қадимий тожик диёрини ўз самарали меҳнати билан борган сари бадавлатроқ ва соҳибжамолроқ қилаётган кишилар, фан ва маданиятнинг кўзга кўринган арбоблари шу ерда. Иттифоқдош республикалардан, Москва ва Ленинград шаҳарларидан келган меҳмонлар ҳам шу ерда.

ДУШАНБАДА ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ

Тўпланганлар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорнийни, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовни, республика рахбарлари — Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Расулов, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Холов, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Набиевни қарсаклар билан кутиб олдилар. Марказий минбарда улар билан бирга Тожикистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари, тантаналарда қатнашиш учун келган делегацияларнинг рахбарлари турибдилар.

Марш садолари Урта Осиё ҳарбий округи қисмларининг паради бошланганлигидан дарак беради. Майдондан ёш жангчилар — оталари кўрсатган жанговар шуҳратни ворислари шаҳдам қадам ташлаб ўтадилар. Мото ўқчилар, чегарачилар, артиллериячилар, алоқачилар саф тортиб боришмоқда.

Майдонга даҳшатли жанговар машиналар кириб келади. Бу машиналарни энг яхши жангчилар — жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари юргизиб бормоқдалар.

Тожикистон пойтахти меҳнаткашларининг байрам намойиши ўзига хос дебоча билан бошланади.

Ҳозир бўлганлар отлиқлар отрядини қарсаклар билан кутиб оладилар. Граждан уруши қаҳрамонлари кўрсатган жасоратлар, ёш Совет республикасини қўлига қурол олиб ҳимоя этган ва сақлаб қолган кишиларнинг жасоратларини халқ асло унутмайди.

Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг шуҳрати асло ўчмайди. Ҳозир бўлганлар колоннани гулдасталар билан кутиб оладилар. Бу колонна сафларида жаҳонни фашизм вабосидан қутқариб қолган жангчилар—ветеранлар боришмоқда.

Халқ қўшиқларининг куйлари янграйди. Бир зум ичида майдон бамисоли яшнаб турган пахта даласига айлангандек бўлади. Намойиш иштирокчилари чаман-чаман очилган чаноқларни бошлари узра кўтариб ўтадилар. Пахтакорлар «870 минг тонна» рақами ёзилган транспарантни кўтариб ўтадилар. Бу йил далаларнинг меҳнатчилари пахтадан ана шундай рекорд ҳосил етиштирдилар.

Кўпдан-кўп колонналарнинг байрам безаклари совет кишиларининг дўстлиги, КПСС ленинча миллий сиёсатининг тантанаси мавзуига бағишланган. Намойиш иштирокчилари кўтариб ўтган плакатлар ва транспарантларда Тожикистон меҳнатчиларининг ленинчи Коммунистик партияга, унинг Марказий Комитетига, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига республиканинг гуллаб-яшнаши тўғрисида, барча совет кишиларининг бахт-саодати ҳақида, ер юзида тинчлик тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлиги учун самимий ташаккур сўзлари изҳор этилган.

Жарангдор қўшик майдон узра янграйди. Пионер галстуклари тақиб олган болалар ва қизлар ўзларининг бахтиёр ёшликлари тўғрисида қўшик айтадилар. Улар оталар ва боболар ишига содиқ бўламиз, деб қасамёд қиладилар.

Душанбада байрам совет кишиларининг Ленин партияси атрофига жипслашганлиги, уларнинг коммунизм идеалларига садоқатини, ўзларининг бутун куч-қуватларини, қалб ҳароратини социалистик Ватанимизни янада равнақ топтириш, унинг куч-қудратини мустаҳкамлашга бағишлашга тайёр эканликларини кўрсатувчи ёркин намойишга айланди. (ТАСС).

Тошкентдаги подшипниклар ремонти заводида кўплаб илғорлар бор. Улар орасида подшипникларни силлиқловчи Галия Ханипова намуна кўрсатиб ишламоқда. Узининг севган касбида у 10 йилдан бери хизмат қилаётир. Хозир 1975 йил ҳисобига маҳсулот тайёрламоқда. Суратда: Г. Ханипова.

И. Глауберзон фотоси.

ХУШ Хабарлар

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

ГУЛИСТОН. Еттинчи қурилиш трестининг 2-механизациялашган колонна коллективи учинчи микрорайонда қуриб битказган уй-жой биносидаги квартираларнинг калити 48 оилага топширилди. Бу ерда йил бошидан бери 13 минг квадрат метр уй-жой, болалар боғчаси, автомобилларга техника хизмати кўрсатадиган станция фойдаланишга топширилди. 1104 ўринли мактаб бинosи, маиший комбинат, яна бир қанча уй-жойларнинг қурилиши тугай деб қолди.

УРГАНЧ. Халқ истеъмоли товарлари фабрикасида шарқ ширинликлари цехи фойдаланишга топширилди. Цехда ҳолва, новвот ва бошқа ширинликлар тайёрланадиган поток линиялар монтаж қилинган. Цех бир йилда 800 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

ШЎРЧИ. Боботоғ ўрмон хўжалиги Арманистонга янги ҳосил пистасидан 3 тонна жўнатди. Бахорда уларни шу республика тоғларига экадилар. Боботоғ ўрмончилари ўрмон неъматларини йиғиштириб олишни тамомладилар. Қабул пунктига 30 тонна паста топширилди. Шу пистанинг бир қисми экиш учун Яккабоғ ва Қамаши ўрмон хўжаликларига юборилади. Қолгани эса савдо шохобчасига ҳамда қайта ишлаш корхоналарига берилади.

КАТТАҚЎРҒОН. Шаҳар атрофидаги «Правда» колхозининг сутгозар фермасида ем-хашак тайёрлаш батамом механизациялаштирилди. Колхозда ишлаб турган ем-хашак цехини хўжаликни оталиққа олган ёғ-мой комбинатининг мутахассислари ва ишчилари лойиҳалаб, қуриб бердилар. Улар оталиқдаги фермада сермеҳнат жараёнларни тўла механизациялаш программасини ишлаб чиқдилар.

ТОШКЕНТ. Пойтахтнинг Фрунзе районидаги Парфюмерная кўчасида янги микрорайон қурилиши бошланди. Салор каналининг яқинида жойлашган бу микрорайонда 294 квартирали тўрт қаватли ва 9 қаватли бинолар қад кўтаради. Бу ерда болалар боғча-яслиси, озиқ-овқат магазини, ошхона жойлашади. Бинolarни 1-уйсозлик комбинати қурмоқда.

АНДИЖОН. Бу ерда «Колос» кўчма цирки томоша кўрсата бошлади. Яқинда Монголиядга гастролга бориб келган бу труппанинг негизини Қозоғистон миллий цирк коллективи ташкил этади.

(ЎзТАГ).

ҚИШЛОҚ СОВЕТЛАРИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСЛАРИ — МОСКВА МЕҲМОНИ

«Известия» газетасининг редакцияси ва СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси «Ерни эзозлайлик ва авайлаб асрайлик» деган шиор остида ўтказилган қишлоқ ва посёлка Советларининг Бутуниттифоқ мусобақасида актив қатнашган меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетларининг бир группа раисларини Москвага чақирди. Улар СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлиб, бешинчи йилги топшириқларини муваффақиятли бажариш, ерни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш учун социалистик мусобақани кенгайтириш борасида маҳаллий Советларнинг олиб борган ташкилотчилик иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетларининг раислари 29 ноябрда Кремлда СССР Олий Совети Президиуми секретари М. П. Георгадзе билан суҳбатлашдилар.

Меҳмонлар «В. И. Ленин қабинети ва уйи» музейини, Кремлнинг диққатга сазовор жойларини кўрдилар. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚОМИТЕТИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

В. Н. ҚОДИРОВ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Самарқанд область партия комитетининг собиқ биринчи секретари Владимир Николаевич Қодировнинг республика хўжалик ва маданий қурилишига партиявий раҳбарликни амалга оширишдаги катта хизматларини назарда тутиб, унинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида қарор чиқардилар.

Сурхондарё область Шеробод районидаги 10-совхозга ва Самарқанддаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумига Владимир Николаевич Қодиров номини бериш тўғрисида партия, совет ва жамоат ташкилотларининг таклифлари қабул қилинди.

Тошкент шаҳар ижроия комитетига Тошкент шаҳри кўчаларидан бирига Владимир Николаевич Қодиров номини бериш ва унинг қабрига бюстини ўрнатиш топширилди.

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

ИНҚИЛОБ ЛОЧИНИ

Узбекистон ССР 50 ёшни босиб ўтди. Ана шу ярим аср мобайнида республикамизда жуда катта тарихий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар рўй берди. Республика индустрияси гоят тараққий этган, қишлоқ хўжалиги ривожланган, меҳнаткашларнинг турмуш даражаси бениҳоя юксалгандир. У ҳозир бутун Шарқнинг машъалидир. Узбекистон ССРнинг ҳозирги даражага етишига ҳисса қўшган, республика тонгида социалистик ўзгартиш-ларнинг дастлабки қийинчиликларини ўз зиммасига олган, шу йўлда ўз ҳаётларини қурбон қилган шундай кишилар ҳам бўлдики, уларнинг сиймолари халқимиз қалбида умрбод барҳаётдир. Қуйида ана шундай ажойиб коммунистлардан бири ҳақида ҳикоя қилинади.

1920 йилда М. В. Фрунзе Тошкентдан В. И. Ленин номига юборган мактубида шундай деб ёзган эди: «Туркистон республикаси совет ва партия ходимларидан ўлка партия комитети секретари Саъдуллахўжа Турсунхўжаев ва Туркистон Марказий Ижроия Комитети раиси Турор Рисқуловлар ишбилармон ва истеъдодли кишилардир, аммо Т. Рисқулов бир мунча закий ва мураккаб шахс».

Оддий чўпон фарзанди Турор Рисқулов ўз ҳаётини пролетар революцияси ишига бағишлаган истеъдодли, Ўрта Осиёдаги таниқли сиёсий ходимлардан бири эди. Унинг инқилобий фаолияти 1916 йилдан, Туркистон меҳнаткашларини мардикорликка олиш ҳақидаги Чор ҳукумати фармонига қарши қўзғолон кўтарилган кунлардан бошланди. Турор кўп исёнчилар қатори қамоққа ташланди. Озодликка чиққандан сўнг большевиклар партияси юборган Н. Черишев раҳбарлигида Авлиёотада қозоқ ёшлардан иборат революцион тўгарак ташкил этди. Февраль инқилобидан сўнг меҳнаткаш халқ оммасининг вақтли ҳукуматга қарши чиқишларига етакчилик қилди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси арафасида Т. Рисқулов Ленин партияси сафига қабул қилинди. У Туркистонда Октябрь инқилоби ғалабаларини ҳимоя қилиш учун Қўршермат, Мадаминбек, Эргаш, Холхўжа каби босмачиларга, Успенский, Таболин, Казаков каби аксил инқилобчиларнинг группаларига қарши курашларда қатнашди. Ана шу пайтларда Турор Рисқулов Коммунистик партиянинг кўзга кўринган сиёсий ходимларидан бири бўлиб танилган эди. Партия уни қаерга юбормасин, ҳамма жойда коммунистларга хос фидоийлик билан ғайрат кўрсатиб ишлади. Даставвал Турор Рисқулов Авлиёотада уезд ижроия комитетининг раиси, сўнгра Туркистон республикаси Соғлиқни сақлаш халқ комиссари, айни пайтда очлик билан қурашиш Марказий Комиссияси раиси, Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзоси вазифаларида ишлади.

Т. Рисқулов 1919 йилда Туркистон Компартияси мусулмон партия ташкилотлари бюросини бошқарар экан, мусулмонлар орасида партиявий ишларни уюштириш, зиёлиларни ҳукумат ишларига кенг жалб қилиш, маҳаллий кадрлар тайёрлашда жонбозлик кўрсатди.

1920 йилда Турор Туркистон Марказий Ижроия Комитети раислигига тайинланди. Унинг меҳнат фаолияти шу ерда янада ёрқин намоён бўлди. Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш, қишлоқ хўжалиги ва пахтачиликни ривожлантириш, маданий-маориф ишларини замон талабига мувофиқ уюштириш каби вазифаларни бажаришда фаол қатнашди. У Тошкентда очилган Ўрта Осиёдаги ягона билим ўчоғи ҳисобланган университет асосчиларидан бири эди.

Т. Рисқулов доим ҳалол ва сидқиллик билан меҳнат қилди. Гарчи у ўз ҳаётида баъзи хатоларга йўл қўйган бўлсада, доҳий В. И. Ленин билан қилган узоқ суҳбатида ана шу хатоларини эътироф этиб, яна садоқат билан фаолиятини давом эттирди.

Турор Рисқулов сиёсий онгининг камол топишида ўша пайтларда Тошкентда ишлаган атоқли партия арбобларидан Ш. Э. Элиава, М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак, Ф. Голошчекин, П. А. Кобозов ўртоқларининг, Октябрь инқилоби йилларида Туркистонда ишлаб турган чет эл коммунистлари ва интернационалистларининг таъсири гоят катта бўлди. У 1921 йили РСФСР Миллий ишлар халқ комиссарининг ўринбосари қилиб тайинланди. Кўп ўтмай у Туркистон Халқ Комиссарлари Совети раиси ва РКП(б) Ўрта Осиё бюроси аъзоси қилиб тайинланди. Турор Рисқулов 1926 йилдан бошлаб ўн бир йил давомида РСФСР Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосари вазифасида ишлади. У XII, XIII, XV, XVI, XVII партия съездларига делегат бўлган, бир неча марта Бутунittифоқ Марказий Ижроия Комитети аъзолигига сайланган. Турор Рисқулов Коминтерн ижроия комитетида ҳам ишлади. У Ленинни шахсан билган, ундан илҳом олган истеъдодли ташкилотчи, назарий жиҳатдан пухта тайёрланган марксист, қучли публицист, марксизм-ленинизм ғояларининг пропагандисти, теран фикрли раҳбар эди. Унинг бой сиёсий тажрибаси, миллий масалага доир асарлари Туркистондаги инқилобий ҳаракатларни ўрганувчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ўрта Осиёда социализм пойдеворини қуришга салмоқли ҳисса қўшган, партиянинг содиқ фарзанди Турор Рисқулов кабиларнинг ҳамиша барҳаёт номини халқимиз ҳурмат билан ёд этади.

Лазиз АЗИЗЗОДА,
Октябрь социалистик революциясининг ветерани, Узбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими.

Планетамизда

ТИНЧЛИК ТАНТАНАСИ ЙЎЛИДА

Жаҳон матбуоти Монголия Халқ революцион партияси III съездининг ва Монголия Халқ Республикаси эълон қилинган кунининг 50 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарга ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегациясининг бу тантаналардаги иштирокига катта эътибор бермоқда. Етакчи сиёсий обзорчилар Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Улан-Баторда ўтказилган тантанали мажлисда сўзлаган нутқи ва Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитети, МХР Буюк Халқ Хурали Президиуми Раиси Ю. Цеденбалнинг шу мажлисда қилган докладидаги асосий қоидаларни шарҳламоқдалар.

Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитети ва Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг органи «Унэн» газетаси бош мақоласида қуйидагиларни ёзади: «Ўртоқ Л. И. Брежневнинг эллиқ йил мобайнида МХР эришган тарихий муваффақиятларга берган юксак баҳоси монгол халқини социалистик қурилишда янги меҳнат зафарларига илҳомлантиради. Советлар мамлакатидан келган мўътабар вакилларнинг визити, уларнинг Монголия раҳбарлари билан учрашувлари ва фикрлашиб олишлари, — деб таъкидлайди газета, — ҳар икки томон мустаҳкамланиб бораётган Монголия — Совет дўстлигини ва ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги ҳамкорликни бундан буён ҳам ривожлантиришга қатъий қарор берганлигини, халқаро аҳволга доир кўп масалалар юзасидан қарашларнинг бир хил эканлигини яна бир марта тасдиқлади».

Англия телевидениесининг шарҳчиси Л. И. Брежнев нутқининг ташқи сиёсатга доир қисмидаги асосий қоидаларни баён қилиб, «бу нутқ жуда кучли таассурот қолдиради», деб таъкидлади.

Ҳиндистонда чиқадиган «Нэшнл геральд» газетаси КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Улан-Батордаги тантаналарда сўзлаган нутқи «СССРнинг кескиликни юмшатиш жараёнини мустаҳкамлаш ва қучайтиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини исбот этувчи яна бир далил», деб ҳисоблайди. (ТАСС).

Н. ЧАУШЕСКУ А. П. КИРИЛЕНКО БИЛАН УЧРАШДИ

БУХАРЕСТ, 29 ноябрь. (ТАСС). Руминия Компартияси Бош секретари, РСР президенти Н. Чаушеску кеча Руминия Компартиясининг XI съездида КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленкони қабул қилди.

Ўртоқ А. П. Кириленко КПСС раҳбарлари ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари шахсан Л. И. Брежнев номидан Руминия Компартияси раҳбарларига, румин халқига ва шахсан ўртоқ Н. Чаушескуга самимий салом ҳамда энг яхши истаклар топширди.

Ўртоқ Н. Чаушеску табрик учун миннатдорчилик изҳор этиб, ўз номидан ва Руминия Компартияси раҳбарлари номидан КПСС раҳбарларига, совет халқига, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневга самимий салом ва энг яхши истаклар топширишни КПСС делегацияси бошлиғидан илтимос қилди.

Учрашув чоғида РКП ва КПСС ўртасидаги, Социалистик Руминия халқи билан Совет Иттифоқи халқи ўртасидаги қардошлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди. Ҳар икки томонни қизиқтирувчи халқаро муносабат масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Учрашув самимий, ўртоқлик вазиятида ўтди.

ДЎСТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДАГИ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН

БУХАРЕСТ, 29 ноябрь. (ТАСС махсус мухбири). Совет Иттифоқи билан дўстлик алоқалари Руминия жамияти Халқлар дўстлиги совет ордени билан мукофотланди. Жамият Руминия Социалистик Республикаси билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун шу мукофотга сазовор бўлди. Бугун Бухарестда ана шу оммавий жамоат ташкилотига орденни тантанали равишда топшириш маросими бўлиб ўтди.

Совет Иттифоқи билан дўстлик алоқалари Руминия жамияти Бош кенгашининг аъзолари, жамият активлари Руминия—Совет дўстлиги уйига тўпландилар. Йиғилишни Руминия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, Руминия касаба союзлари умумий бирлашмаси Марказий кенгашининг раиси, Совет Иттифоқи билан дўстлик алоқалари Руминия жамияти Бош кенгашининг раиси М. Даля очди.

Йиғилишда Руминия Компартиясининг XI съездида қатнашаётган КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари А. П. Кириленко нутқ сўзлади.

Биз, деди у, бу мукофот билан буржуазия Руминияси, реакция ва фашизм шароитларидаёқ румин ва совет халқлари ўртасидаги дўстлик учун мардона курашган барча кишиларни тақдирлашни истаймиз. Биз шу мукофот билан Руминия—Совет дўстлиги жамиятини, унинг аъзоларини, сўнгги ўттиз йил мобайнида маҳкам ҳамкорликка, маънавий бойликларни айирбошлашга, қардош халқларимиз маданиятларининг ўзаро бойишига актив кўмаклашган кишиларнинг ҳаммасини тақдирлаймиз.

Ўртоқ А. П. Кириленко ўз нутқининг охирида СССРда Коммунистик қурилиш ва Руминияда ҳар томонлама ривож топган социалистик жамият қурилиши халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасида ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантириш учун тобора кенг негиз яратади, деб ишонч билдирди.

Ўртоқ А. П. Кириленко жамиятни мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб берди ва йиғилиш аҳлининг гулдурос қарсаклари остида Халқлар дўстлиги орденини Совет Иттифоқи билан дўстлик алоқалари Руминия жамиятининг раҳбарларига топширди.

Ўртоқ М. Даля жавоб нутқи сўзлади.

У юксак мукофот учун Совет Иттифоқи билан дўстлик алоқалари Руминия жамиятининг Марказий кенгаши, жамиятнинг барча активлари номидан КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига қизғин миннатдорчилик изҳор этди. Жамият ташкил этилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан СССР билан дўстлик алоқалари Руминия жамияти ана шу орденга сазовор бўлди.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

✦ **БЕРЛИН.** Лейпцигдаги «Искра» газетасининг уй музейини 1956 йилдан буён 100 мамлакатдан 700 мингдан ортиқ киши келиб кўрди. Уша вақтда Германия Бирлашган социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг қарорига биноан Германия Демократик Республикасида В. И. Ленинга бағишланган музей биринчи ташкил этилган эди.

В. И. Ленин тузган умумрус сиёсий марксистик ишчини «Искра» газетасининг биринчи сони чиққан кунга бу йил 75 йил тўлиши муносабати билан музей экспозицияси янги қўжжатлар билан тўлдирилади.

✦ **СОФИЯ.** Мамлакатдаги юзлаб ишлаб чиқариш коллективлари 1974 йил планини муддатидан олдин бажарамиз, деган шиор остида яшаб, меҳнат қилмоқда. «Ватия» кон бойитиш комбинатининг ишчилари йиллик план топшириқларини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Улар йил охирига қадар 960 минг левлик қўшимча маҳсулот беришга аҳд қилдилар.

✦ **СМЕДЕРЕВО.** Югославия Социалистик Федератив Республикаси халқларининг миллий байрами—республика куни арафасида Югославия қора металлургиясининг энг йирик корхоналаридан бири Смедерево металлургия комбинатидаги йирик конвертор цехида дастлабки тонна пўлат эритилди. (ТАСС).

МАОЧИЛАРНИНГ АФРИКАДАГИ КИРДИКОРЛАРИ

Хитой раҳбарларининг собиқ мустамлака халқлари олиб бораётган миллий-озодлик ҳаракатига нисбатан тутган позицияси ўзига хос тарихга эга.

Иккинчи жаҳон уруши охирига қадар Мао-Цзе-дун атрофидаги группа ана шу халқларнинг мустамлакачиликка қарши озодлик ҳаракатига нисбатан бир қадар бўлса-да, актив позицияда турмаган. 1946 йилда, жаҳоншумул сиёсий ўзгаришлар натижасида халқаро синфий кураш янги босқичларининг контурлари кўрина бошлади. Мао-Цзе-дун биринчи марта ўзининг оралиқ зона деб аталган ғоясини баён қилди. Халқаро кучлар нисбатини марксчаленинча синфий таҳлил қилиш ўрнига Мао-Цзе-дун дунёни уч зонага бўлди. Биринчи зонага — АҚШни, иккинчи зонага — СССР ва халқ демократияси мамлакатларини кўшди. Қолган бошқа мамлакатларнинг ҳаммаси «оралиқ зона»ни ташкил этадиган бўлди. Мао-Цзе-дун ўша пайтлардаёқ халқаро аҳволга баҳо бераётганда илмий социализм позициясидан эмас, балки ғирт буюк давлатчилик қайриятидан келиб чиқди. Уша пайтдаёқ бу ўта беманъи «оралиқ зона» майда буржуа назарияси. Мао-Цзе-дунинг Хитойни шу «оралиқ зона»нинг раҳбарига айлантиришга бўлган гегемонлик кўринишларини фош қилган эди.

Пекиннинг бу эгоистик мақсадлари Хитой раҳбарлари КПСС билан ва жаҳон коммунистик ҳаракати билан очиқдан-очиқ алоқани узиб, Советларга қарши авантюристик, пароканд алик йўлига ўтганларидан кейин узил-кесил маълум бўлиб қолди. Жаҳон революциясининг маркази ва раҳбари кучига — Совет Иттифоқига қарши қораша Хитой раҳбарлари миллий-озодлик ҳаракатини ўз назоратлари остига олмоқчи ва ундан ўз планларини амалга оширишда фойдаланмоқчи бўлдилар.

Пекиннинг Африкадаги ҳаракатлари бу қитъадаги антисовет йўли тарафдорларини қидириб топишга қаратилган.

Пекиннинг бундай позицияси буржуа давлатларининг манфаатларига жавоб беради. Чунки бу позиция Африкадаги идеологик ва сиёсий бошбошдоқликни кучайтиришга ёрдам беради, шу қитъа давлатларининг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан алоқаларига путур етказади.

Хитой ўзининг сохта революцион шиорлар билан ва ривожланаётган мамлакатлар манфаатларини кўриклаймиз деган баҳона билан никоблаган арзимас иқтисодий ва техникавий ёрдамига аввало муайян сиёсий мақсадларга олиб борадиган восита сифатида қарамоқда. Хитой делегациясининг БМТ Бош Ассамблеясининг сессиясида биринчи чиқишиёқ Хитой умумий антиимпериалистик фронт сафига ўтмасдан, балки Африка мамлакатларини АҚШ империализмига қарши эмас, аввало Совет Иттифоқига қарши сафарбар этишга уринаётганлигини кўрсатди.

Хатто, Хитой билан дўстлик шартномалари тузган ва у билан яқин алоқада бўлган мамлакатлар ҳам Хитой нуқтаи назарини жуда кам қолларда маъқуллаб, хитойча «тараққиёт йўли»га кирмедилар. Бу тараққиёт йўли эса, жумладан қишлоқ хўжалигининг афзалligи ёки «уз кучига таяниш» сингари элементларни ўз ичига олади.

Хитой маочилари Африка давлат арбобларини катта қучоқ очиб, уларни Пекинга бирин-кетин таклиф қилмоқдалар. Маочилар режими «маданий революция» йилларида бой берилган нарсаларнинг ҳаммасини яна кўлга киритишга жон-жаҳди билан уринмоқда. Бу режим «маданий революция» вақтида илгари Африкада эгаллаган баъзи позицияларидан маҳрум бўлган эди.

Маочиларнинг Африкадаги янги дипломатик ҳужуми ХХР БМТга қабул қилинганидан кейин бошланди. Хитойнинг Африкадаги манфаатлари анча узоқ вақтларга бориб тақалади, албатта. ХХРнинг Африкага биринчи юриши 1955 йилда бўлиб ўтган Бандунг конференциясидан кейин кўп вақт ўтмасданоқ бошланган эди. Унинг учига чиққан нуқтаси 1963 йилда Чжоу Энь-лайнинг беш ҳафта мобайнида Африкадаги ўн мамлакатда бўлиб, уларнинг баъзиларида иқтисодий шартномалар, шунингдек техника ёрдами тўғрисидаги битимлар тузишдан иборат бўлди. Бу даврда ХХР баъзи Африка давлатларида қандайдир мавқега эга бўлди.

Бироқ ашаддий маоизм ва Советларга қарши кампания кейинчалик кўпгина Африка давлатларини ХХР билан бундан кейин ҳамкорлик қилиш йўлидан қайтарди. Бундан ташқари, африкаликларнинг ҳафсалалари пир бўлиб, ваъдалар оғиздагина эканлигига, ҳақиқий ёрдам камлигига ишонч ҳосил қилдилар. Шунинг учун ҳам 1970 йилга келиб Хитойнинг Африкадаги мавқеи Танзания ва Замбиядагина сақланиб қолганлиги бежиз эмас.

Хитой маочилари Жанубий Африка республикаси ва Родезия ирқчилари билан савдо муносабатларини зўр бериб «сир» сақламоқдалар. Шундай бўлса-да, маочиларнинг Африка жанубидаги савдогарчилиги ошкора бўлиб қолди. Африка матбуоти саҳифаларида йил сайин ривожланиб бораётган «ҳамкорлик»нинг гоҳ бир, гоҳ иккинчи қирраларини ёритаётган хабарлар тобора кўпаймоқда. Гоҳ Жанубий Африкада чиқадиган «Ранд дейли мейл» газетаси Пекин Гонконг орқали Жанубий Африка республикасига юборaётган Хитой парчаси, керамикаси ва ширинликларини мақтаб қолади. Гоҳ Ганада чиқадиган «Пальвер» ҳафталик газетаси Пекин БМТ санкциясига чап бериб, Родезиядан маҳфий равишда йилига 70 минг тоннадан хром рудасини импорт қилаётганлигини ҳикоя қилиб қолади.

Кўпинча шундай ҳам бўладики, матбуот органларининг куч-ғайрати билан ХХРнинг Африка сиёсатига оид баъзи нохуш тафсилотлари ҳам ҳамманинг диққат-эътиборига ҳавола қилиб қолинади. Масалан, Сенегалда чиқадиган «Африк нувель» журнали берган хабарига кўра 1971 йилда ХХР билан ЖАР ўртасида тузилган маҳфий савдо битимининг қўшимча шартларидан бири Хитой томони миллий-озодлик ҳаракатига ёрдамни қисқартириш мажбурияти эканлиги айтилади.

Пекин Африкадаги баъзи давлатларнинг раҳбарлари билан алоқаларни қайта тиклаш билан бир қаторда «ХХРнинг Африка ва Осиё давлатлари билан иқтисодий ҳамкорлигининг саккиз принципи» тевaрагида ҳам катта шов-шув кўтара бошлади. Бу принциплар 1964 йилда эълон қилинган бўлиб, уни ХХРнинг ташқи иқтисодий алоқалари практикаси билан таққослаб кўрадиган бўлсак, у ғирт пропаганда характерига эга бўлиб, антисоциалистик ва антисовет йўналишда эканлиги ўз-ўзидан аён бўлиб қолади.

Хитойнинг иқтисодий ва техникавий ёрдамидан умидвор бўлган Африка давлатлари шунга ишонч ҳосил қилдиларки, ХХР саноатни тўла ишлаб чиқариш цикли билан ривожлантиришга ёрдам беролмайди. Бундай ёрдамни СССР, Чехословакия, ГДР ва бошқа юксак даражада ривожланган социалистик мамлакатларгина бераолади ва шундай қилишга тайёр. Шунга қарамай, маочилар пропагандаси Пекиннинг Африка давлатларига ёрдамини «энг ишончли», энг самараси, энг беғараз ёрдам, деб кўрсатишга уринмоқда. Бироқ, бу пропаганданинг асл мақсади ўз-ўзидан аён. У «учинчи дунёнинг» бошқа мамлакатларда бўлганидек, Африка мамлакатларида ҳам социалистик мамлакатлар ёрдамига салбий муносабат уйғотишга қаратилган.

Бу мамлакатларни социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидан ажратиш мақсади «Уз кучига таяниш» деган бошқа шиорда ҳам назарда тутилади. Маочилар бу шиор ёрдамида Африка мамлакатларини ишониш мумкин бўлмаган нарсага ишонтирмоқдалар.

1974 йил Пекин учун «Африка йили» бўлди. Лотин Америкасида маочилар АҚШ манфаатлари билан тез-тез тўқнашган бўлур эди. Бунинг учун эса улар ўзларини етарли даражада кучли эмас, деб биладилар.

Маочилар ёш суверен давлатларда авантюристик партизан группалари туздилар. Бу группалар эса беҳуда уруш гирдобига кириб қолди. Чунки, бундай мамлакатлар (Заир, Камерун, Дагомея, Кения, Марказий Африка Республикаси, Бурунди, Уганда ва қоҳазолар)нинг ички консолидацияси кучайган сари революцион тўнтариш учун шароит тобора тугаб борди. Маочилар актив миллий-озодлик ҳаракатидан четга чиққан группаларнигина қўллаб-қувватладилар. Улар турли мамлакатлар ҳукуматларини «маданий революция»дан нусха кўчиришга даъват этдилар.

Бу усулларнинг барбод бўлганлиги Хитой раҳбарларини ўз тактикасига тузатиш киритиб, Африка «революция учун ҳали етилгани йўқ» деб айтишга олиб келди. Кўпорувчилик фаолияти ўрнига икки томонлама даражада ёрдам ва ҳамкорлик сиёсати қолди. Ҳозирги вақтда Хитойнинг Африкада олиб бораётган сиёсати қайта ориентация қилинганлигининг қуйидаги ўзига хос белгилари бор.

Бу белгиларнинг бири — мумкин қадар кўпроқ давлатлар билан муносабатларни нормаллаштиришдир. Ҳозирги вақтда Хитой Африкадаги 42 суверен давлатдан 30 таси билан дипломатик алоқа қилади.

Иккинчи белги — капиталистик йўлдан ривожланаётган, лекин муайян сиёсий таъсирга эга бўлган давлатлар, масалан, Нигерия, Заир, Эфиопия билан алоқаларни кучайтиришдир.

Мавжуд фактлар ана шу сиёсат муносабати билан баъзи хулосаларни чиқариш имконини беради:

биринчидан, Хитойнинг Африкадаги сиёсатининг формаси, методи ва тактикаси ўзгарди, лекин мақсади эски ҳолича қолаверди. Маочилар ҳамон Африкага экспорт қилаётган концепциялар ва шиорлар янги мустамлакачилик манфаатлари билан тўғридан-тўғри ёки кўп жиҳатдан мос келади. Ёхуд улардан фойдаланилади,

иккинчидан, Хитойнинг ҳозирги Африка сиёсати революцион ҳаракат учун хавфли бўлган аспектга эгадир.

Пекин раҳбарларининг халқаро майдондаги антиленинча, социал-шовинистик позицияси халқларнинг империализм ва реакцияга қарши курашига жиддий тўсиқ бўлмоқда. Хитойнинг ҳозирги раҳбарлари пролетар интернационализми принципларини улоқтириб ташладилар. Коммунистик ва миллий-озодлик ҳаракатига нисбатан антисоветизм ва пароканд алик руҳи билан суғорилган маочилар сиёсати амалда коммунизмнинг ашаддий душманлари ҳаттиҳаракатлари билан қўшилиб кетмоқда.

Евг БЛОК,
доцент.

Редакция почтасидан

ГАЗЕТХОНЛАР БИЛАН СУҲБАТ

«Совет Ўзбекистони» ноябрь ойида ўз газетхонларидан салкам 3 мингта хат-хабар, мақола, репортаж ташвишли сигнал, фото-суратлар олди. Уларнинг талай қисми газета саҳифаларида босилиб чиқди. Юздан ортиқ танқидий материал ва ташвишли сигналлар партия, совет ташкилотлари, министрлик ва идораларга текшириш ҳамда чора кўриш учун юборилди.

Газетхонларимиз ўзларининг хат-хабарларида КПСС XXIV съездининг илҳомбахш қарорларини амалга ошириш натижасида эришилаётган ютуқлардан, совет кишиларининг бир-бирлари билан ҳамкор-ҳамнафас ҳаёт кечираётганлиги, уларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-муҳаббатлари ҳақида тўлқинланиб ёзадилар. Масалан, қувалиқ газетхон катта бухгалтер Н. Юнусова партия ва ҳукуматимиздан чексиз миннатдорчилигини қуйидагича ифодалайди:

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети партия XXIV съезди Директиваларини бажара борib, кам иш ҳақи оладиган оилаларнинг болаларига нафақа тўлашни амалга ошириш юзасидан тегишли тадбирларни ишлаб чиқдилар ва тасдиқладилар. Болалар учун нафақалар ишчилар, хизматчилар, колхозчилар, ҳарбий хизматчилар, пенсионерлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида билим олувчиларнинг оилаларига тайинланмоқда. Бу нафақа ҳар бир оила аъзоси ҳисобига умумий даромади 50 сўмдан ошмаган оиладаги фарзандларга белгиланади ва болалар 8 ёшга етгунга қадар ҳар ойда 12 сўмдан тўлаб борилади. Кам иш ҳақи оладиган оилаларнинг болаларига нафақа шу оила умумий даромади унинг ҳар бир аъзоси ҳисобига ойига 50 сўмдан ошмаган ҳолдагина тайинланади. Шу сабабли ўртача умумий даромадни аниқлашнинг махсус қоидаси ишлаб чиқилди. Бизнинг олдимизга ҳужжатларни расмийлаштириш учун келаётган ота-оналарнинг қувончи чексиз. Улар партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлигидан миннатдорлигини «Партиямизга минг раҳмат!» деган илиқ сўзлар билан изҳор қилишмоқда.

Шунингдек, жуда кўп газетхонлар жойлардаги ютуқ ва камчиликлар тўғрисида фикр ва мулоҳазаларни билдирадилар. Ташвишли сигналлар йўллайдилар. Умуман, редакция газетхонлар билан ҳар куни, ҳар дақиқада гаплашиб, маслаҳатлашиб турибди. Ушбу саҳифада газетхонлар хатлари билан танишасиз.

«ДОҲИЙ СЎЗЛАЙДИ»

Ульянов район радио эшиттириш редакцияси сермазмун эшиттиришлари билан тингловчиларда яхши таассурот қолдиряпти. Яқинда ульяновликлар янги программа билан танишдилар. Бу программа — «Доҳий сўзлайди» рубрикаси остида берила бошлади. Ундан пролетариатнинг буюк доҳийси В. И. Ленининг 1919—1920 йилларда сўзлаган нутқлари ўрин олган. Нутқлар доҳий овози ёзиб олинган граммпластинкалардан кўчирилган магнит ёзуви асосида берib борилмоқда. Мазкур туркумдаги эшиттиришни район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири О. Раҳматуллаев олиб боряпти.

Т. ҲАМИДОВ,
Қашқадарё области.

Тошкентдаги музика асбоблари фабрикаси йилига 17 турда бир неча юз минг сўмлик дутор, рубоб, доира, чанг, ғижжак каби миллий музика асбоблари ишлаб чиқаради.

Суратда: Афғон рубоби цехининг йиғувчиси, ВЛКСМ аъзоси, коммунистик меҳнат зарбдори Раҳим Азизов.

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ

МАНГУЛИК ХИЁБОНИ

Совет халқлари дўстлигининг куч-қудрати Улуғ Ватан уруши йилларида айниқса зўр куч билан намоён бўлди. Биз беқиёс дўстлик туфайли ғалаба қозондик. Мамлакатимизда ана шу мардлик ва жасорат, қон-қардошлигимиз ҳақида қиқон қилувчи ёдгорликлар кўп. Булар марҳумларга ёдгорликкина эмас, балки урушга қарши лаънат, душманларга нафрат белгиси ҳамдир.

Районимиз марказида Фарғона водийсида совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ҳамда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар хотирасига мангулик хиёбони барпо этилди. Хиёбонда ёдгорлик монументи ўрнатилди... Исёнкор она. У яраланган жангчи фарзандининг бошини силаб, бутун вужуди билан ёвуз душманни лаънатламоқда. Бу ҳаяжонли, жасорат рамзи образининг автори — район маданият уйининг ходими Шевкет Дарвишевдир. Ёш архитектор ёдгорлик монументининг лойиҳаси устида узоқ йил ишланди. Ватандошларимиз жанг қилган шаҳарларда бўлди. Ҳамкишлоғимиз машҳур танқид, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Тўхтасин Мирзаевнинг ота-онаси, қариндош-уруғлари билан суҳбатлашди. Ражабали Ризоқулов, Акрам Тўхтасинов, Абдуқодир Муҳиддинов, Маманазар Исҳоқов сингари Улуғ Ватан уруши иштирокчилари, баҳодир жангчилар ҳузурида бўлди. Ниҳоят жюри қайратига ҳам, бутун жамоатчиликка ҳам манзур монумент лойиҳасини яратишга муваффақ бўлди. Энг муҳими мангулик хиёбони ва унинг ҳуснига монанд салобатли монумент жамоатчилик асосида бунёд этилди.

Ҳиёбоннинг бир томони халқлар дўстлиги боғига, иккинчи томони эса улкан ложувард фавораларга туташиб кетади. Мангулик хиёбони доим одамлар билан гавжум бўлмоқда.

Қ. ТОШБОЛТАЕВ,
Марҳамат район «Оқ олтин» газетасининг редактори.
Қ. ТЕШАБОЕВ,
шу райондаги 12-мактаб директори.

ҚУРОЛДОШИМНИ ИЗЛАЙМАН

Улуғ Ватан уруши даҳшатлари ҳали ҳеч кимнинг кўз ўнгидан кетгани йўқ. Кўп миллатли совет халқларининг метиндек мустаҳкам дўстлиги, қаҳрамонлиги, матонати, жасорати инсониятни Гитлер фашизми зулмидан халос қилишга олиб келди. Бу уруш туфайли кўпгина ажойиб кишиларимиздан жудо бўлдик. Улар орасида энг яхши дўстларимиз кўп эди.

Ўзбекистонлик кадрдоним Ваҳоб Мўминов билан 1941—1943 йиллар мабойнида 49-армиянинг 42-ўқчи дивизиясида елкама-елка жанг қилиб, узоқ йўлларни босиб ўтдик. Шундай жангларнинг бирида мен оғир яралор бўлиб, госпиталга тушиб қолдим. Авайлаб-асраб келаётган унинг адреси яралор бўлган жойимда йўқолган эди. Шундан сўнг полкдош дўстларим билан бирга жанг қилиш менга насиб қилмади...

Буюк ғалабамизнинг 30 йиллигини нишонлашга ҳам оз вақт қолди. Шу ғалабага озми-кўпми ўз ҳиссасини қўшган сафдошим, собиқ ўқитувчи В. Мўминовнинг яшаш жойини билиш оиласи, меҳнат коллективи ҳақида батафсил маълумот олишни истар эдим. Овоз бер, азиз қуролдош дўстим Ваҳобжон!

Менинг адресим: Саратов шаҳри, Рабочий кўчаси, 157-уй.

С. Д. РОДИН.

ТЕПАЛИКЛАР СИРИ

ЯНГИ ТОПИЛМАЛАР

Ўзбекистоннинг жанубий районлари археологик қазилмаларга бой. Бу ерда бронза даври қалъалари, шунингдек, Бақтриёна мамлакати шаҳар ва қишлоқларининг харобалари мавжуд.

Милоддан олдинги I аср тарихчиси Квинт Курций Руф мазкур ўлка тўғрисида шундай деган эди: «Бақтриёнанинг табиати бой ва хилма-хилдир. Бир қанча жойларда дарахт ва токлар ажойиб ҳосил беради, унумдор ерни суғориш манбалари ёрдамида суғорадилар, қаерда тупроқ юмшоқ бўлса, ўша ерда доривор экинлар экилади, ерининг қолган қисми чорва учун яйловдир».

1972 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих ва археология илмий-текшириш институти ҳамда Бутуниттифоқ археология илмий-текшириш институти Ленинград бўлими ҳамкорлигида тузилган Бақтрия археологик экспедицияси ходимлари изланишларни бошлаб юборган эди. «Экспедициянинг асосий мақсади, — дейди унинг илмий раҳбари профессор В. М. Массон, — Шимолий Бақтриёнанинг бир шаҳри ва қишлоғи территориясида узлуксиз археологик қазилмалар олиб бориш орқали кушонлар давлатидаги (I—III асрлар) турмуш ҳамда маданият даражасини аниқлашдир».

Бу йил Бақтрия экспедициясининг Термез отряди археологик қазишларини Жданов номли колхоз территориясида жойлашган Мирзақул-тепада давом этдирди. Мирзақул-тепада қирққа яқин хона, унинг жанубий қисмидан эса қалинлиги 3 метр бўлган мудофаа девори ва минораси очилди. Бу ердаги 2-хона омборхона вазифасини ўтаган бўлиб, улардан 30 та турли шаклдаги хумлар топилди. Бундан ташқари, тепадан митти кўзачалар (бўйи 1,5 см), деярли шикастланмаган кулранг сопол косалар, қадаҳлар, қушонлар шаҳаншоҳи Сотер Мегаснинг тангалари, чавандоз ҳайкали топилди.

Экспедициянинг яна бир бўлими Бақтриёнадаги Жарқўрғон суғориш районининг қадимий маркази бўлмиш Ҳайтобод тепада мудофаа деворлари қурилиши сирларини ўргана бошлади. Бу ерда кушонлар ҳамда илк ўрта асрларга оид сақланиб қолган қалинлиги 3 метр, баландлиги 4 метрдан ортиқ мудофаа минораси ва деворлари очиб ўрганилди.

Шубҳасиз, Мирзақул ва Ҳайтобод тепаликларидан топилган нодир буюмлар кушонлар подшолиги давридаги қишлоқ ҳаёти, шаҳар қурилиши ва Бақтрия бадиий санъатидан дарак беради.

Т. АННАЕВ,
ТошДУ студенти.



Суратда: Аждодларимиз ясаган ва фойдаланган идишлар.

ШИФОКОР ВА БЕМОР

ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

Тиш оғриғи кималигини бу дарднинг «совунига кир ювганлар» яхши билади. Яқинда ҳеч кутилмаганда милким шишиб кетди. Кундан-кунга касаллик авж олиб ҳуруж қилди. Тезда Тошкент Давлат медицина институтининг стоматология клиникасига мурожаат қилдим. Шифокорлар операция қилиш лозимлигини айтишганда, этим бир жунжикиб кетди.

Бир ярим соат давом этган операция муваффақиятли тугади. Кўзим мошдай очилди. Касаллик чекинди.

Мени операция қилган профессор Н. Мазалов ва унга кўмаклашиб турган медицина фанлари доктори М. Продаксев, бўлим бошлиғи Д. Миницеев, медицина фанлари кандидати А. Самохин ва ҳамшираларга беҳад миннатдорман. Чунки улар мен шу клиникага келиб, шифо топиб кетгунимча атрофимда парвона бўлишди. Айтишим мумкинки, улар мени ҳам қўлларидаги тиғлари билан, ҳам ширин сўзлари билан даволашди.

М. ЮСУФЖОНОВ,
Улуғ Ватан уруши инвалиди.
Тошкент.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

«Муборак» посёлкасида яшовчи бир группа газетхонлар Косон район касалхонасининг баъзи шифокорлари беморларга қўпол муомалада бўлаётганлиги ҳақида редакцияга ёзиб юборишган эди.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигидан олинган жавобда айтилишича, хатда кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланган. Текшириш якунлари Қашқадарё область партия комитети бюросида муҳокама қилинган. Шифокорлик касбига доғ туширган М. Валиев, Р. Меликов, А. Ҳамроқулов ва Фозиловлар ишдан олинган. Терапия бўлимининг мудири Сантьягога, врачлардан Аҳмедов ва Қодировларга қаттиқ анговор эълон қилинган. Район касалхонаси коллективи ўртасида таълим-тарбия ишларини кучайтириш тадбирлари белгиланган.

ИСРОИЛДАН ХАТЛАР

АЛДАНИБМИЗ

«Униб ўсган элатингдан айрилма» дейди боболар. Бу ҳақ гап. Узоқ Исроилдан Шаҳрисабзга келаётган хатлар Ватанни ташлаб кетиш, ёру биродарлардан айрилиш қанчалик ғожиа эканини кўрсатиб турибди. Бу хатларни Исроил сионистларининг аламзада ташвиқотига учиб, Советлар диёрининг Шаҳрисабздай кўркам гулшанини ташлаб, Исроилдан «жаннат» қидириб кетганлар ёзишяпти. Уларнинг хатини ўқиб ҳам нафратланасан, ҳам ачинасан киши.

Шаҳрисабзда фаровон турмуш кечираётган Арон Юсупов, Ешар Еқубов, Хоннаниел Холдоровлар бундан бир йилча муқаддам сионистларнинг «Исроил чинакам жаннат макон», «Вақтида кўчиб келмасангиз армонда қоласиз» деган уйдирмаларига учиб, Исроилга кўчиб кетган эдилар. Энди улар Шаҳрисабздаги қариндошларига оҳу нола қилиб хат ёзмоқдалар.

«Азиз ота, онажон — деб ёзади А. Юсупов Шаҳрисабзда истиқомат қилаётган отаси Н. Юсуповга, — Мен сизларнинг гапингизга кирмадим. Исроилга кетма ўғлим, азобга қоласан, деган сўзларингиз тўғри бўлиб чиқди. Иш йўқ, нонга зормиз. Болаларим билан азобга қолиб юрибман. Қимматчилик, бунинг устига пул йўқ. Қани менинг Шаҳрисабздаги маншаталарим!? Отажон, онажон, сизлардан илтимос, ўз номларингиздан Совет ҳукуматига ариза ёзинг, ложи бўлса мени бу азоблардан қутқариб олинглар».

Шаҳрисабзлик Е. Пиҳасов куёви Е. Еқубовдан олган хатида шундай дейилади:

«Аманжон, Шаҳрисабзда турмушим жуда яхши эди. Бировларнинг гапига кириб Исроилга келдиму, бошим гам-аламдан чиқмай қолди. Ўғлим Борисжонни уйлантиролмай бошим гаранг. Тўй қилиш амри маҳол. Шаҳрисабзда бўлганимда аллақачон уйлантириб, уйли-жойли қилиб қўярдим. Бу ерда эса иложим йўқ. Исроилга келганларнинг ҳаммаси пушаймон. Чунки тириқчилик қилиш ҳаддан ташқари оғир».

Х. Холдоровнинг хатидаги аччиқ ҳақиқатни ўқиб, юрак бағринг эзилади киши. У қизи З. Абрамовага шундай ёзипти: «Зилпожон, биз Исроилга жўнаётганимизда «Отажон, онажон, Исроилга кетманглар, кўп азобга қоласизлар. Бировларнинг гапига кирманглар» дегандинг. Негалм ўшанда сўзингга кирмадик. Гапларинг ҳақ бўлиб чиқди. Бировлар сўзига ишониб алдандик. Гапингга кирмаганимга пушаймонман. Уйжой йўқ, кўчада ётиб юрибмиз. Зилпожон, қани менинг Шаҳрисабздаги ҳовли-жойим? Қани менинг тоғиқ-тутиқларим? Қизим, хатимни қавми-қариндошларимга ўқиб бер. Токи улар ҳам менга ўхшаб, бировлар гапига кириб, хору-зор бўлмасин».

Бу хатларни ўқиб, Исроилдан «бахт» излаб кетган биродарларининг аянчли аҳволидан хабардор бўлган Шаҳрисабздаги яҳудийлар Исроилни мақтаётган ташвиқотчиларга «Биз алданмаймиз. Биз СССРда туғилганмиз, у бизнинг ягона Ватанимиз. Сионистлар нг воситасига учмаймиз, бой-капиталистларга муҳтож бўлишни истамаймиз» деб жавоб қайтардилар, туғилиб ўсган юртини ташлаб Исроилга кетганларга нафрат билдирдилар. Шаҳрисабздаги «Баҳор» ресторанининг хизматчиси Х. Суюнов Исроилдан келган визани қайтариб юборди. Унинг «Жаннат маконингиз ўзингизга буюрсин, менинг ўз Ватаним, туғилган элим бор, ундан ажралмайман» деган гаплари шаҳрисабзлик яҳудийларнинг қалб нидосидир.

М. БОРУХОВ,
Улуғ Ватан уруши инвалиди, пенсионер.

АЖАБ САВДОЛАР

ЎЛДА-ЖЎЛДА

Биз Тошкент шаҳрининг Октябрь районидаги «Оқтепа» маҳалласида истиқомат қиламиз. Янгидан барпо этилган уй-жойларда мингга яқин хонадон истиқомат қилади. Кўчаларимиз асфальтланган, электр чироқлари ҳам бор. Лекин бир қатор жумбоқлар бизни ана шу мактубни ёзишга даъват этди.

Маҳалламиз яқинида тикувчилик фабрикаси қурилмоқда. Унга рус тили ва адабиёти институти иссиқ хонасидан бир олиб боришмоқчи бўлишди. Асфальтланган кўчаларимиз вайрон қилинди. Асфальтлар устини тупроқ уюмлари қоплаб кетди. Орадан бир неча ой ўтаётган бўлса ҳам ишни охирига етказиб, кўчамизни текислаб беришларидан ҳамон дарак йўқ. Хозирги ёғин-сочинли кунларда йўллар ботқоқ бўлиб кетган. Мактаб ва боғча болаларининг қатнови, айниқса, қийин бўлмоқда. Бу ҳам камлик қилгандек, кўчаларимиздаги электр чироқлари ёнмаётир. Негаки, икки йилча муқаддам унинг симёғочлари алмаштирилган, кўчадаги чироқлар йўқолиб кетган эди. Ҳали ҳам уларнинг ўрнига янгиларини ўрнатиш охирига етказилгани йўқ.

М. ИБРОҲИМОВА,
кўп болали она.

МЕҲМОНХОНА ҲАНГОМАСИ

Халқимиз меҳмоннавозлик билан шуҳрат қозонган. Ҳар бир ўзбек хонадонида «меҳмон» сўзи алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Лекин, баъзибир меҳмонхоналардаги мутассадди кишилар меҳмон билан мезбоннинг фарқини билишмас экан. Тошкентга кетаётиб, Термиздаги «Шарқ» меҳмонхонасининг филиалида тунашга тўғри келди. Афсуски, бу ердаги «меҳмоннавозлик» бизларни жуда ажаблантирди.

Меҳмонхона ходимлари кўпол муомалада бўлишди. Бунинг устига хонадаги мебеллар эскилигидан йиқилай деб турибди. Дераза дарпардалари, дастурхонлар ифлослигидан дилингиз ранжийди. Ҳаммаёқда пашшалар ғужғон. Зерикиб, телевизор кўрганн борсак, у ҳам ишламас экан. Ҳатто кийим дазмолайдиган оддий дазмол ҳам топилмади.

«Шарқ» меҳмонхонасида рўй бераётган ҳангомалардан Термиз шаҳар ижроия комитети ва шаҳар коммунал хўжалиги бўлимининг раҳбарлари хабардормикинлар?

Х. ЎТАЕВ,
П. ҲУЖАМУРОДОВ,
врачлар.
А. ОТАМУРОДОВ,
шофер.
Гагарин райони.

ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА

НАФОСАТ ГИГИЕНАСИ

Олимларнинг маълумот беришича бир квадрат сантиметр соғ терида бир неча мингдан-бир неча миллионгача турли микробла, шулар қаторида фасодли касалликларни чиқарувчи стафила ва стрептококклар жойлашган бўлади. Одам бир ювинишда 85 миллиондан 1200 миллионгача микробни ювиб ташлар экан.

Фасодли касалликларнинг пайдо бўлишига учта сабаб бор. Биринчидан, одам терисида касаллик юқтирадиган стафила ва стрептококк бўлади. Иккинчидан, тери шилинади, бичилади, касалланади, куяди. Булар ўз навбатида микробларнинг ўрнашиб олиши учун қулай шароит яратади. Учинчи сабаб қиличб одамнинг умумий куч-қуввати қамайиб, касалликка қарши кураша олмаслигини кўрсатиш мумкин. Демак, бадани тоза бўлмаган, тез-тез ювиниб турмайдиган, ички киймларини, ёстиқ жилди ва сочиқларини ўз вақтида алмаштирмайдиган, яшаш ва ишлаш жойларини ифлос тутадиган кишиларда фасод касалликлари кўпроқ учрайди.

Тери узоқ вақт совқотганда ундаги ёғ ва тери безларининг фаолияти бузилади. Тери қурийди, ёрилади. Натижада фасодли касалликлар тарқатувчи микроблар терида кўпайиб, турли яралар пайдо қилади.

Кўп терловчи кишиларнинг териси юмшаб, унинг устки қавати осонгина кўчадиган бўлиб қолади. Бу эса терида микробларнинг яшаб ва кўпайишига шароит яратади. Терида турли фасодли касалликларнинг келиб чиқишида модда алмашинувининг бузилиши, ошқозон-ичак, жигар, қанд хасталиклари катта роль ўйнайди. Демак, ички аъзоларида ана шундай сурункали дарди бор кишилар терисида тез-тез турли фасодли касалликлар учраб туриши мумкин.

...М. исмли қиз дугонасининг тўйига шошар экан, ойнага сўнгги маротаба қарашида юзининг ўнг томонида пайдо бўлган кичкина йириングчани кўрди-ю, кўнгли хира бўлди. У ўйлаб ўтирмасдан уни қўли билан сиқиб ташлади-да, устига упа суриб, шошганича тўйга йўл олди.

Энди у хотиржам эди. Дугоналари билан ўйин-кулгини давом эттирди. Турган гап, юзига сиқиб ташланган йириングча аллақачон эсдан чиқиб кетган эди.

Эрталаб юзини ювиётганида кечаги сиқиб ташланган йириングчанинг ўрнида бир оз оғриқ сезди. Нўхатдек тугунча пайдо бўлганди. Лекин аҳамият бермай, ўша жойни атир билан артиб, устидан упа сепиб, билинтирмай қўя қолди.

Юзида пайдо бўлган йириングча ва унга қарши кўрган «чоралари» ҳақида ҳеч кимга, ҳеч нарса айтмай, маслаҳатлашмай, хатто тиббий ёрдамга ҳам мурожаат қилмай, ишга йўл олди. Қиз ишдан қайтиш вақтида юзидаги тугунчанинг катталашганини, бутун бадани қизиётганини, боши ҳам бир оз оғриётганини сезди. У уйга аранг етиб келди. Боши ва бадани зирқирарди. Унинг аҳволи оғирлашганини кўрган онаси «ёрдам» сўраб қўшниси Х. исмли хотинга мурожаат қилди. «Ҳамма нарсани» биладиган қўшниси вақт ўтказмай ўша заҳотиёқ «маслаҳат» берди: «Катта оқ пиёзни оловда пишириб, ярмисини қизнинг юзига боғлаш керак ва аччиқ чойга олча қиёмидан солиб, пирамидон билан ичирсангиз эрталабгача ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетади» — деди у. Она-бола бу маслаҳатга кириб, ҳамма айтганларини бажардилар. Лекин қиз кечаси билан безовта бўлди, ухлай олмади. Эртасига эрталаб иситмаси 40 даражага кўтарилди. Аҳволи янада оғирлашди. Юзи, бурни, қовоқлари қизариб ва ялиғланиб, кўзлари юмилиб қолди. Фақат зудлик билан чақирилган «Тез ёрдам»да келган врач беморга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиб, уни касалхонага олиб кетди.

Бу қизда қандай тери-фасодли касаллиги пайдо бўлди? Касалликнинг оқибати нима бўлди? Нега арзимаган ўша йириングча уни шундай оғир аҳволга солиб қўйди? Нима сабабдан бундай тери касаллиги пайдо бўлди? Қандай қилиб, унинг олдини олиш мумкин?

Маълумки, стрептокок ва стафилококк микроблари соғ одамга тез юқади. Бу микробларни оддий кўз билан кўриб бўлмайди. Уларни бир неча юз минг маротаба катта қилиб кўрсатувчи микроскоп асбоб ёрдамида кўриш мумкин. Стафилококк ва стрептококк микроблари ҳавода, тупроқда, сувда, кийим-кечакларда ва ҳар хил овқатларда, умуман, зарарсиз шаклда учрайди. Лекин уларнинг бир қисми зарарли бўлиб, теринг шилинган қисмига тушса, ўша ерда яллиғланиш ҳосил қилади.

Тери-фасодли касалликлар аҳоли ўртасида тез-тез учраб туради. Бундай хасталиклар ўз вақтида олди олиниб, даволанмаса, киши сиҳат-саломатлигига катта зарар етказиши турган гап.

Одам териси энг керакли аъзолардандир. У организмни ташқи ҳар хил салбий омиллардан сақлайди. У иссиқ ва совуқни, оғриқни сезади, нафас олиш вазифасини ўтайди.

Стрептококк ва стафилококк микроблари одам терисида ҳар хил фасодли касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Улардан халқ ўртасида кенг тарқалганлари сизлоғич, чипқон, сиқоз, ҳуснбузар, эктима, юқумли ширинчи ва бошқалар.

Мақоланинг бош қисмида ёзиб ўтилган бемор қиз ҳам тиббиётдан бутунлай хабарсиз бўлгани учун арзимаган ҳуснбузардан чипқоннинг келиб чиқишига ўзи сабабчи бўлган эди.

Баданда, айниқса, юз атрофида пайдо бўлган турли йириングчаларни қўл билан сиқиб ташламаслик керак. Шундай аломатлар пайдо бўлган тақдирда тезда врачга мурожаат қилиш лозим.

Турли тери касалликларидан ташқари эктима, гидроаденит, псевдофурункулёз каби хасталиклар ҳам тез-тез учраб туради. Улар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтирмаймиз. Чунки ҳамма тери-фасодли касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг олдини олиш чоралари деярли бир хил.

Тери-фасодли касалликларидан ишлаб чиқаришда, уйда ва иш жойларида қандай сақланиш мумкин? Аввало, терини тоза тутиш, ички кийимларни алмаштириб туриш зозим. Яшаб турган уйни ва ишхоналардаги хоналарни тез-тез шамоллатиб, тоза тутиш зарур. Терини шилинишдан, кесилиш ва бичилишдан сақлаш керак. Агар терида фасод касалликлари пайдо бўлса, чўмилиш қатъиян ман этилади. Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиги машина, комбайн, трактор ва бошқа турли техника асбобларини озода тутиш турли тери касалликларидан сақланишнинг асосий йўлидир.

Баъзи «билармонлар» кесиб олинган жойларига кул, тупроқ, ун ва бошқа нарсаларни майдалаб сепиб қўядилар. Бундай қилиш ярамайди. Чунки юқорида кўрсатиб ўтилган тери касалликлари худди шундай ўз-ўзига «ёрдам» бериш ёки даволаш натижасида кўпроқ пайдо бўлади. Озодаликка риоя қилиш фасодли касалликларнинг камайишига олиб келади.

У. МИРАҲМЕДОВ,
медицина фанлари доктори, профессор.



ГАЗ қувурларини монтаж қилиш оғир, аммо шарафли касб. Ана шу мардлар касбига меҳр қўйган кишилар Қорақумнинг уфққа туташиб кетган дашт ва саҳролари оша неча минг чақирим йўл босиб, халқ хўжалиги учун ҳам ёқилғи, ҳам хом ашё ҳисобланган «зангори олов» учун улкан «артериялар» бунёд этишмоқда. Суратларда (юқоридан пастга)—Ўрта Осиё—Марказ газопроводининг тўртинчи навбати қурилиш участкаларидан бирида; 3-компрессор станциясининг оператори Т. Постникова; газни тозалаб берувчи улкан қурилмалардан бири —«Хива» компрессор станцияси.

В. Таран фотолари.

ҚУЁШ ФАРЗАНДИ

Барот БОЙҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

(ДОСТОНДАН СОНЕТЛАР)

Пахтажон! Сени кашф қилган соҳибкор
Сенга мос бағри кенг маскан яратди.
Кўмкўк кенгликлар-ла қил деб ифтихор,
Дарёлар бўйида чаман яратди.

Сенга тоғи тошни қилса гар макон,
Унсанг ҳам, тўймасдинг қуёш нурига.
Дудоғинг очилмай, ўртанарди жон,
Афсус қилар эдинг, балки, умрингга.

Шунинг учун яйраб қулоч от дея,
Сўнгсиз водийларни берди амрингга.
Саратон офтоби сочганда зиё
Хайрон қолсин деди бардош-сабрингга.

Бу маскан, пахтажон, Ўзбекистондир,
Сувию тупроғи таниннга жондир.

* * *

Бу қутлуғ мўъжиза, буюк кашфиёт
Инсон заковатин битта меваси.
Замонлар бағрида долғали ҳаёт
Тўфонини енгган ақл кемаси.

Инсон идрокига замин бериб тан,
Муборак пойга қўйди бошини.
Кашфига бағрини қилдию Ватан,
Кафтида кўтарди ўз наққошини.

Ва лекин қилмади замон эътибор,
Котиблар этмади номин яққалам.
Чигитни кашф қилган уста соҳибкор
Кимлигин унутиб юборди олам.

Бугун-чи, номаълум эй, буюк инсон,
Қошингда бош эгар ҳур Ўзбекистон.

* * *

Сени деб от сурдик Мирзачўлга биз,
Саҳрони уйғотди ёшлик сурони.
Бошланса ҳам янги ҳаёт бўрони,
Кўзларин уқалаб, ҳеч чўкмади тиз.

Чўл билан олишдик, тўриб юзма-юз,
Оташ моторлардан тинчи йўқолди.
Барини йиғолмай, сўнг қочиб қолди,
Ёшлик ҳужумидан чекиниб сўзсиз.

Чўл судраб барини қочмоқда ҳамон,
Ёшлик қувиб борар уни изма-из,
Изида чайқалар пахтазор—денгиз,

Чўлни таниб бўлмас, бугун ул бўстон,
Ҳатто пойтахти бор — шаҳри Гулистон,
Муҳтарам меҳмонга тутгувчи нон-туз

* * *

Мирзачўл — биз учун азиз, муқаддас,
Доҳийнинг нигоҳи тушган диёрдир.
Шунинг-чун бир умр шод, бахтиёрдир,
Дийдорин кўрмоқни ким қилмас ҳавас.

Бу диёр поёнсиз—кўзлар илғамас,
Чайқалиб мавж урар кумуш пахтазор,
Ҳокими мутлақдай, унга пахтакор—
Меҳнат салтанатин қурганлиги рост.

Кемалар жиловин тутган капитан
Юрагида ёнган оташ, эҳтирос,
Тоғ-тоғ ҳирмон учун — буюк бир ихлос.

Унинг журъатига олам берур тан,
Лозим бўлса, бошга кўтарур Ватан,
Ва солур пойга гулдан поёндоз.

* * *

Мирзачўлга ўхшаб Қарши дашти ҳам
Қовжираб ётарди сув илинжида.
Ранглари сарғайиб Аму пинжида,
Қақроқ лабларига тегмас эди нам.

Фалакка ёлворган чўли муаззам
Хумдонга ўшарди айни саратон.
Жазирада азоб чекмасин деб жон,
Инсон ҳайиқарди қўйгали қадам.

Кимсасиз, ҳувиллаб ётган бу тупроқ
Дардини ичида сақларди мудом.
Одамзод қошида бўлгандай мулзам.

Мулзам эди чўлдан инсон ҳам, бироқ,
Ерни қаттиқ дерди, осмонни йироқ,
Чўл каби ташнайди, ахир, ўзи ҳам.

* * *

Қаршидан ранг олган дашти Шеробод,
Бағрига дурини сочибди Сурхон.
Дурдан тоғ қилмоқни ўйлаб Шоймардон,
Тонг билан сурибди Шерободга от.

Қураждан иборат бўлган бу ҳаёт
Қайнатибди уни ўз қозонида.
Пахтакор қонини кўриб жонида,
Қарчиғай йигитдан сўрабди нажот.

Ёлвориб, пойига бош қўйибди чўл,
Қўлингдан келса гар қил, дебди, обод.
Кун келиб айларман мен ҳам сени шод.

Шоймардон ҳам, чўл ҳам бериб қўлга-қўл
Азалий сирдошдай тилашгач оқ йўл,
Олтин дарвозасин очмиш тилсимот.

* * *

Сен жондош элминнинг усти-бошисан,
Кийинтирсанг етар дунёни ҳатто,
Поёндоз бўлурсан Ойга қадар то,
Сен инсон ҳуснининг бир наққошисан.

Сен унинг юзисан, кўзу қошисан,
Нигоҳбон киприксан қорачиғига.
Ёғдусан ҳаётин шамчироғига.
Тупроқни дур қилган чўнг бардошисан

Ҳазрати инсондай қўли гул меъмор,
Ҳаёт иморатин мармар тошисан,
Ўзбекнинг Самарқанд, Кешу, Шошисан.

Халқим умри ила умринг баробар,
У сени, сен уни этмай хору зор
Ёвга эгилмаган мағрур бошисан.

* * *

Пойтахти азимни қилгин деб обод,
Сенга мос жой топдик улуғ шаҳардан
Бир ҳайкал ўрнатдик сенга мармардан,
Фаввора сингари қайна, деб абад.

Мармар жон топди-ю, наққош меъмордан,
Чаноқ тимсолида кўргизди жамол.
Навоий қасрида топдингу камол,
Бошинг кўкка етди зўр ифтихордан.

Ранго-ранг товланиб камалак мисол
Чаноқ фаввордан отилар инжу.
Инжумас, она ер қайноқ меҳри бу,
Шу меҳр туфайли эл топмас завол.

Пахта, чаноғингдан қилиб фаввора,
Сенга ҳайкал қўйдик бу олам аро!

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — «До-ре-ми-фа-соль». 10.10 — Мультфильм. 10.30 — Қуваноқлар даврасида. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 —Гимнастика. 11.25 — «Будильник». 11.55 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 12.25 — Мультфильмлар. 13.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 14.00 — Олға болакайлар. 15.00 —Музикали киоска. 15.30 — Қишлоқ янгиликлари. 16.30 — ТОШКЕНТ. 16.35 — «Янгра, барабан». 17.00 — Еш киноҳаваскорлар клуби. 17.50 — Халқаро панорама (Москва). 18.20 — «Ахборот». 18.35 — Ўн минут музика. 18.45 — Телефильм. 19.05— Концерт. 20.55 — «Ахборот». 21.15 — **Телеминиатюралар.** 22.00 — «Вақт». 22.30 — Шоир Расул Ғамзатовнинг ижодий кечаси. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 16.30 — **Кўр музикачи** (бадиий фильм). 17.50 — Кино экран янгиликлари. 18.20 — МОСКВА. Концерт. 18.55 — Янгиликлар. 19.05 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 20.05 — **Қирол овда** (бадиий фильм). 21.35 — Концерт. 22.00 — Ҳужжатли киноэкрани. 22.30 — **Салом ва яхши қол** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.20 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—1/ХПда **Этик кийган мушук** (кундузи). **Кармен** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/ХП да **Чақмоқ** (кундузи). **Олтин девор** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/ХП да **Лаҳма**, 2/ХП да **Замонали ва Омонали.**

КИНО

Есения — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ҚОЗОҒИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Софдил— НАВОИЙ номли, «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Ингичка ип — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
5 ДЕКАБРЬ КУНДУЗ СОАТ 3 ДА

ҚАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ҚУВОНДИҚ ИСКАНДАРОВ
Солистлар: Дадахон ҲАСАНОВ, Ойхон ЕҚУБОВА, Хадича АЛИМАРДОНОВА, Сора ШУКУРОВА, Коняб АЛИЕВА, Ҳасан КАРИМОВ, Ғуломжон ДАДАХОНОВ, Лолахон ЮСУПОВА;
VI жаҳон фестивалининг лауреати
Отажон РАЖАБОВ
Телеминиатюра ва ҳанда ижрочиси
ҲАСАН ИУЛДОШЕВ
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ олиб боради.
Билетлар концерт зали касасида кундуз соат 12 дан сотилади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА
4, 6 ДЕКАБРДА
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси КОМИЛ ЯШИН асари, Ўзбекистон ССР халқ артисти Т. ЖАЛИЛОВ ва Г. СОБИТОВ музикаси.
ҚАЙТАДАН ИШЛАНГАН ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
«НУРХОН»
2 парда 6 кўринишли музикали драма.
Постановкачи режиссёр — СССР халқ артисти, СССР давлат мукофоти ва Ҳамза номли Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати — РАЗЗОҚ ҲАМРОЕВ.
Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист — Н. ХАЛИЛОВ.
Рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби — Г. ВИЗЕЛЬ.
Режиссёр — Ҳ. ШАРИПОВ.
Балетмейстерлар — Ш. АҲМЕДОВ, М. ҲАМРОЕВА.
Хормейстер — К. САЪДУЛЛАЕВ.
Концертмейстер — М. ФУРМАН.
Ёрдамчи режиссёрлар — С. ОДИЛОВ, Р. МУҲИДДИНОВА.

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг журналистика факультети коллективи катта ўқитувчи И. Тошалиевга отаси
Тошали ЭРАЛИЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СИБИРДАН ХАТ

ЎРМОНДАГИ ОРОМГОҲ

Қарағай, оқ қайин билан қопланган бепоён ўрмон! Куз шамоли дарахтлар сочини сийпалайди. Енгоқ (ўрмон ёнғоғи) чақаётганингизни сезган ўрмон бекаси — олмахон кетингиздан эргашиб юргани-юрган. Енгоқни кафтингизга солиб турсангиз, у дарахт тепасидан ўзини устингизга отиб, ёнғоқни ўткир тирноқли панжалари ёрдамида тез чақиб ейди, баъзи очиққанлари эса оғзини ёнғоққа тўлдириб олиб, жуфтакни ростлайди. Ўрмон читтаги ҳам ҳеч чўчимасдан қўлдан озиқланади.

Ёққан қор ўрмон чиройини янада очиб юборди. Бир-бирини қувиб, сакраб ўйнаётган олмахонлар биринчи қорни инларида ётиб қаршилашдими, ҳар қалай энди кўринмай қолишди. Тумшуғи билан қарағай пўстлоғини муттасил тақиллатиб чўқиётган қизилиштоннинг ҳам «тақ-тақи» тинди. Бошпана излаётгандек фақат бир-иккита читтак ё чумчуқ пириллаб учиб ўтиб қолади.

Сибирликларнинг фахри бўлмиш Объ дарёси Новосибирск шаҳрини қоқ иккига бўлиб оқади. Унинг қирғоғидаги Речкунов санаторийси ҳушманзара ўрмонга жойлашган. Новосибирск шаҳридан 30—35 километр, жаҳонга машҳур олимлар яшаб ижод этаётган шаҳарча яқинидаги мазкур санаторий 1959 йилда ташкил қилинди. Бу ерда қозир юрак-томир касалликлари ва асаб системасини даволайдиган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган даволаш корпуси ишлаб турибди.

Бош врач ўринбосари, РСФСРда хизмат кўрсатган врач, медицина фанлари кандидати, хушчақчақ, ширинсухан аёл Антуанетта Анатольевна Бабининнинг сўзига қараганда, бу шифобахш санаторий ўзининг даволаш савияси жиҳатидан машҳур Сочи ва Кисловодск курортларидан қолишмайди. Санаторий ўрта ҳисобда ҳар ойда 700 кишини даволайди. Бундан ташқари умуртқа радикулитини даф этувчи массаж, даволовчи бандантарбия, замонавий физиотерапия мавжуд. Нафас олиш органлари касалликларини даволаш учун ингаляторий ишлаб турибди. Санаторийда ванна терапия, кислородли коктейль кенг йўлга қўйилган. Ванналар сунъий усулда тайёрланади. Санаторийда 300 та хизматчи ишлайди. Шундан 20 таси врачлар. Коллектив катта тажрибага эга бўлиб, касалликнинг қай даражада даволанаётгани устидан мунтазам назорат олиб борилади. Санаторийга РСФСРда хизмат кўрсатган врач Зинаида Александровна Киреева раҳбарлик қилади. Бўлим мудираси медицина фанлари кандидати Лидия Фёдоровна Прокопьева даволанувчиларга ниҳоятга ғамхўр. Санаторийда илмий ишларни госпиталь терапия кафедраси мудири, СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси, профессор Аристарх Александрович Дёмин бошқаради.

Мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган даволанувчилар ҳар томонлама қулай бўлган хоналарга жойлаштирилади. Ҳар бир корпусдаги хона 1,2 ва 3 ўринли бўлиб, ёруғ ва шинам. Корпусларда дам олиш хоналари мажвуд.

Ёзда қуёш ваннаси қабул қилиш учун айросол-яри, чўмилиш ҳавзаси, қайиқ станцияси, қишда эса чанғи базаси, стол ўйинлари павильони даволанувчилар хизматида.

Ташкил қилинганига энди 15 йил бўлган, йил бўйи ишлайдиган Речкунов санаторийси келаси беш йилликда янада кенгаяди. Бунда даволанувчилар сони минг кишига етказилади. Ҳар бири 250 ўринли иккита корпус, бир йўла минг киши овқатланадиган ошхона, 750 ўринли кино-концерт эали, янги клуб биноси қуриш мўлжалланмоқда. Иқлимга мослаштирилган павильонлар барпо этилади.

Тавсифи эртакларда ҳам қуйланган бепоён рус ўрмони бағридаги оромгоҳ—Речкунов санаторийси шифоталабларни чорлайди.

Ж. ПИРМУҲАМЕДОВ.

СПОРТ янгиликлари

БИРИНЧИ РАҚИБ — ЮГОСЛАВИЯ ФУТБОЛЧИЛАРИ

Утган жума куни Халқаро футбол федерациясининг Цюрихдаги штаб квартирасида қўрға ташлангандан сўнг олимпия ўйинларида СССР футбол командаси билан беллашувчи биринчи рақиб маълум бўлди. Бу—Югославия терма футбол командасидир. СССР терма командаси биринчи Европа группасига киради. Бу группага Финляндия, Исландия ва Норвегия терма командалари ҳам қўшилади. Бироқ, Исландия футболчилари турнир финалида қатнашишга йўлланма олиш учун яна мусобақалашишлари керак.

Олимпия ўйинларида қатнашиш учун ҳаммаси бўлиб 91 та командадан ариза тушди. Финалда эса фақат 16 та энг кучли команда иштирок этади. Бунда Европадан бешта, Африка ва Осиёдан 3 тадан, Жанубий Америкадан иккита, Шимолий Америкадан 3 та команда қатнашиши керак.

ХАСКОВО КУБОГИ ЭГАЛАРИ

Хасково касаба союзлари Советининг мукофоти учун қизиқарли футбол мусобақалари ниҳоят поёнига етди.

Ўзбекистон пойтахт областининг энг кучли касаба союз командалари болгар дўстларнинг Тошкент область касаба союзлари Советига совға қилган кубогини олиш учун қизғин кураш олиб бордилар. Улардан учтаси —Тошкент жисмоний тарбия институти спорт клуби, «Трактор» (Тошкент), «Химик» (Олмалиқ) командалари финалга чиқишди.

Жисмоний тарбия институти спорт клубининг футболчилари «Химик» командасини 0:3 ҳисобида утди. Химиклар «Трактор» билан бўлган учрашувда ҳам 0:1 ҳисобида мағлуб бўлишди. «Трактор» ва спорт клуби командалари ўртасидаги олишув 1:1 ҳисоби билан якунланди.

Ҳал қилувчи ўйин «Ташкенткабель» заводи стадионида ўтказилди. Учрашув гоятда қизиқарли ўтди. Жисмоний тарбия институти спорт клубининг футболчилари рақиб дарвозасига ягона тўп киритиб, голиб чиқдилар ва кубокни олишга муяссар бўлдилар.

Хасководан келган кубок учун футбол ўйинлари 1975 йилда ҳам ўтказилади.

Ахборот Янгиликлар Хабарлар

«ЎЗБЕКХИММАШ» ЗАВОДИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ХИЛМА-ХИЛ МАШИНАЛАР

«Ўзбекхиммаш» заводининг маркаси билан ишлаб чиқарилаётган ҳаво ва газни пуфлаб берувчи труба машиналари химия саноати корхоналарида ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида кенг фойдаланилмоқда. Чирчиқ машинасозларининг бу машиналари жаҳоннинг ўндан ортиқ мамлакатига экспорт қилинмоқда. Кейинги йилларда заводда тайёрланаётган юқоридаги машиналарнинг айримлари қайта модернизация қилинди. Бунинг натижасида улардан фойдаланиш сифати яхшиланди, меҳнат ҳаражати камайди ва машина илғаригисига қараганда енгиллаштирилди. Машиналардан тўрт хилининг модернизация қилиниши ҳисобига йилига 20 минг сўмга яқин маблағ иқтисод қилинадиган бўлди. Машинасозлар мамлакатда биринчи бўлиб ТГ-127-1,13 янги газ пуфлаб берувчи машина ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Стерлитомоқ химия заводи технологик жараёнида бу машиналар синаб кўрилди ва 70 минг сўмдан ортиқ маблағ тежаб қолиш имконияти аниқланди. Яқинда яна битта янги машина—тўқимачилик саноатида ишлатиладиган ТВ-30-1,25 ҳаво пуфловчи агрегат ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР — ЁШЛАРГА

Заводнинг юздан ортиқ ветерани ва ишлаб чиқариш илғорлари ёш ишчиларга мураббийлик қилишмоқда. Улар бу ишни муҳим жамоат топшириғи сифатида бажаришмоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Д. А. Бородаченко ишлаб чиқаришда кўп йиллар ишлаб ўз касбини кўпгина ёшларга ўргатди. Унинг шогирдларидан бири Абдураҳмон Урмонов ишлаб чиқаришда намуна кўрсатиб меҳнат қилиш билан бирга, берилган топшириқларни сифатли ва ортиғи билан бажараётир. Козон йиғув цехининг электр пайвандчиси А. Айметов ҳам Бородаченконинг шогирдларидан. Корхонада йигирма йилча ишлаган Мирза Рихсимов, А. Эмралиевга ўз касбкорини ўргатмоқда. Шогирди эса электр пайвандлашни пухта ўрганиб олди.

СИЕСИЙ АХБОРОТЧИЛАР САҲИФАСИ

Биринчи механика-йиғув цехи химия ускуналари участкасининг мастери Раид Виктов ишлаб чиқаришда тажрибали ташкилотчи бўлибгина қолмай, фаол сиёсий-ахборотчилиги билан ҳам танилмоқда. У партия топшириғини катта масъулият сезган ҳолда бажараётир. У ҳар бир чиқиш олдидан факт ва рақамларни чуқур ўрганади. Шунинг учун ҳам халқаро аҳвол ҳамда корхона ишчиларининг меҳнати тўғрисида суҳбат ўтказганда гурунг жуда қизиқарли ўтади. Яқинда завод партия комитети сиёсий маориф кабинети томонидан тайёрланиб, кўп тиражли «Машинастроитель» газетаси саҳифасида Р. Биктовнинг иш тажрибалари ҳақида плакат саҳифа ёритилди. Назарий-семинар пропагандисти Л. М. Смирнов, сиёсий ташкилотчилар М. И. Кузнецов, Е. Аъзамов, В. П. Котисларнинг ҳам тажрибаси кенг ёйилмоқда. Механика цехининг мастери, агитатор Г. В. Пакнинг иш тажрибалари тўғрисида навбатдаги плакат саҳифа тайёрланаётир.

ХАЛҚ ТАЛАНТЛАРИ КУРИГИ

Машинасозлар Маданият Саройида ўтказилган халқ талантлари кўригида цех ва бўлимларнинг раққоса ва ашулачиларидан 150 дан ортиқ бадиий ҳаваскор қатнашди. Механика-йиғув, қуюв цехлари, технология ва конструкторлик бўлимлари ходимларининг хор коллективлари ижро этган ашулалар муваффақият билан ўтди. Бу коллективларга совринли ўринлар берилди.

О. ЛЕВАК.

КИНО ВА ЗАМОНДОШ

Ўзбек киночиларининг сўнгги йилларда яратган асарларининг аксарияти замонамиз кишилари образини яратишдек ҳайрли ишга бағишланди. Ўзбекистон кинематографчилар Союзининг навбатдаги пленуми бу борада эришилган муваффақиятларни атрофлича муҳокама қилди.

Пленумда «Ўзбекфильм» киностудиясининг бош редактори, санъатшунослик кандидати Ж. Тешабоев «Кейинги йиллардаги ўзбек бадиий фильмларида замонамиз кишилари образи» деган мавзуда доклад қилди. У «Сени кутамиз, йигит», «Карвон», «Менинг азиз кишим», «Учрашув ва ҳайрлашув», «Сенга интиламан», «Қалдиргочлар баҳорда келади», «Тоғлар чорлайди», «Мухлис» каби ўндан ортиқ фильмнинг сценарийси, режиссураси ва актёрлар ижросидан келиб чиқиб, уларда яратилган замондошларимиз образининг талқинига кенг тўхталди.

Пленумда шунингдек, Ҳамза мукофоти лауреати кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов, киношунослар Ҳ. Акбаров, М. Капустин, москвалик кинорежиссёр Б. Гунеев ва кинотанқидчи В. Дёмин, «Ўзбекфильм» киностудиясининг директори У. Умарбековлар сўзга чиқиб, пленумнинг бош мавзуига оид ҳамда ўзбек киночилари олдида турган баъзи муҳим масалалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ю. АВЛАҚУЛОВ.

ДЕКАБРЬ ОБ-ҲАВОСИ

Ўрта Осиё республикаларида куз ҳавоси илиқ келди. Бунга ғарб томондан эсган шамолнинг Атлантик океанидан иссиқ оқимларни келтириши сабаб бўлди. Ноябрда бирмунча совуқ тушса-да, айрим кунлари ҳарорат нормадан 7-8 даражагача ортиб кетди.

Ҳали декабрь бошланмай туриб қиш ҳавоси сезилиб қолди. Ойнинг биринчи ўн кунлигида ҳаво илиқ келиб, кечалари 0-5, Қашқадарё, Сурхондарё областларида 6-11, кундузлари эса 16-21 даража иссиқ бўлади. Аммо, айрим жойларда ҳарорат пасаяди ва бир оз ёмғир ёғади. Иккинчи ўн кунликнинг бошларида ҳаво булутли бўлиб ёмғир аралаш қор ёғиши кутилади. Бу кунларда кечалари 5-10, кундузлари 0-5 даража атрофида совуқ бўлади. Республиканинг шимолий районларида эса кечалари 10-15, кундузлари 5-10 даража совуқ бўлиши кутилянти.

Учинчи ўн кунликдан бошлаб вақти-вақти билан қор ёғиб туриши, ҳароратнинг ўзгарувчанлиги кузатилади. Ойнинг охирларига бориб ғарб томондан секундига 15-20 метр тезликда шамол эсиши мумкин. Умуман ой давомида республиканинг ҳамма районларида бот-бот туман тушиб туради. Умумий ойлик ҳарорат нормадан 1-2 даража кам бўлади. Намгарчилик миқдори эса нормадан ошмайди.

Ю. ОГОЛЬ,
САРНИГМИнинг синоптик катта инженери.

БОЛТИҚДАН ТИНЧ ОКЕАНГАЧА

◆ 11.000 КИЛОМЕТР МАСОФАНИ 7 ОЙУ 25 КУНДА ПИЁДА БОСИБ ЎТГАН САЙЁҲ. У ЧОР АМАЛДОРЛАРИ ТОМОНИДАН СИБИРГА СУРГУН ҚИЛИНГАН А. А. БУШУЕВНИНГ НАБИРАСИ.

◆ БОБОСИ ЮРГАН ЖОЙЛАР ВА ЙЎЛЛАР БУЙЛАБ.

Эллик тўққиз яшар пенсионер Георгий Михайлович Бушуев Болтиқ соҳилларидан Тинч океанга қилган саёҳатини Владивостокда тугаллади. У 11.000 километр масофадаги йўлни етти ойу 25 кунда пиёда босиб ўтди.

Бу ажойиб сайёҳ бундай қараганда анча ёшга борган кўринади. Лекин у ҳали тетик, серҳаракат, юзи офтоб ва шамолдан қорайган. Оппоқ соқоли анчагина ўсган. Сайёҳнинг саломатлиги жуда яхши. Шуни айтиш керакки, у 1974 йилнинг январида оғир юрак хасталиги — миокард инфаркти билан оғриганди. Уруш йилларида эса қаттиқ контузия бўлган.

Г. М. Бушуев мумкин қадар кўпроқ ҳаракат қилиб, чиниқиш ва саломатлигини янада мустаҳкамлашни мақсад қилиб қўйди. У далалар ва ўрмонлардан, тоғлар ва даштлардан ўтди. У меҳмонхоналардан камроқ фойдаланишга ҳаракат қилди. Ўрмоннинг бир чеккасида капа тикиб ётди, ўзи овқат пиширди. Одатда унинг «кундузги норма»си 500 километр эди. Сайёҳ кўзи ўнгида Россия ўрта минтақасининг кўклами Сибирь ёзи билан алмашди, сўнгра Узоқ Шарқда қиш тушди. Г. М. Бушуев тайгада яшовчи ҳайвонларни кузатди ва уни кундалигига ёзиб борди.

Г. М. Бушуевни пиёда олис сафар қилишга отлантирган яна бошқа бир сабаб ҳам бор эди. Унинг бобоси Александр Архипович Бушуев чор амалдорлари томонидан Сибирга сургун қилинган ва у Калугадан Байкал соҳилларигача кишанланган ҳолда пиёда борган эди. Георгий Михайловичнинг бобоси юрган жойлардан ўтишга аҳд қилди.

— Кўз ўнгимда қурилаётган янги заводлар, фабрикалар, бутун бир шаҳарлар намоён бўлди, — дейди сайёҳ. — Кўп нарсалар мени ҳайратда қолдирди. Бундай зафарларга совет халқигина эриша олади. Владивосток менга ёқди. У Тинч океан соҳилидаги жуда кўркам шаҳар. Унинг 12—16 қаватли уй-жойларини, улкан портини, кўркам маданият саройлари ва кинотеатрларини кўрдим.

Георгий Михайлович Бушуев 23 ноябрда Владивостокдан Ригага учиб кетди. Сиҳат-саломатлик йўлидаги саёҳат поёнига етди.

ТАСС.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р. 01963. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А—281.